Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 10 октябрь, сешанба. №124. (21.887). Сотувда эркин нархда.

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Халқаро алоқалар

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

• 6 октябрь куни мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Руминия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгани тўғрисидаги протоколни имзолаш маросими бўлди. Протоколни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шохалилов ва Руминиянинг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К. Гирбя имзоладилар.

Шу куни Узбекистон Республикаси билан Сенегал Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари урнатилгани ҳақидаги қўшма ахборотнома ҳам имзоланди. Ҳужжатга республикамиз ҳукумати номидан элчи Шомансур Шохалилов ва Сенегал Республикаси томонидан ушбу мамлакатнинг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абса Клод Диалло хоним имзо чекди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг бўлиб утган суҳбатларда икки томонлама ўзаро дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

Партия ва ҳаёт

КОТИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

• НАВОИЙ. (мухбиримиздан). Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов Нуротада бўлиб, туман бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан учрашди. Партия ички ҳаёти, ХДП аъзоларининг фаоллигини ошириш масалалари унда асосий ўрин эгаллади.

Тадбирда Узбекистон ХДП Нурота туман кенгашининг биринчи котиби Б. Жумаев қатнашди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Қулайлик

ЯНА БИР БОЗОР

• АНДИЖОН. (мухбиримиздан). Бўз тумани ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан М. Жалолов номли ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги Яккатол қишлоғида деҳқон бозори очилди.

Янги бозорда озиқ-овқат, саноат моллари, деҳқончилик маҳсулотлари билан бир қаторда чорва моллари савдоси ҳам уюштирилмоқда. Бозорга Марғилон, Ёзёвон ва Тошлоқ туманларидан ҳам харидорлар келишяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Тиббиёт

ШИФОКОРЛАР ОИЛАСИ

ЖИЗЗАХ. Пахтакор туманидаги марказий шифохонанинг юқумли касалликлар бўлими бошлиғи Толиббой Тўрақуловни тиббиётчилар оиласига бош инсон сифатида ҳурмат билан тилга оладилар.

Яқинда Толиббойнинг эл хизматига камарбаста бўлганлигининг чорак асрлиги нишонланди. У кишининг турмуш ўртоғи Лолахон туман поликлиникасида ҳамшира бўлса, қизлари Дилбар билан Гулнора Самарқанд тиббиёт олийгоҳида таҳсил олишяпти. Яқинда вилоят ҳокимлиги М. Тўрақуловни хизматларини муносиб баҳолаб, фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Ҳамкорлик

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

• ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Урганчда Жанубий Кореянинг «ДЭУ—Телеком» компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси барпо этиладиган бўлди.

Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» компанияси президенти Ю Ки Бам раҳбарлигидаги нуфузли делегация Урганчга келди. Республика Алоқа вазирлигидан ҳам вакиллар ташриф буюришди. Улар бўлажак корхонанинг маъмурий-маиший, ишлаб чиқариш биноларн ва ёрдамчи объектлари қуриладиган жойларни кўздан кечирдилар. Вилоят ҳокимлигида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Завод йилига 120-150 минг рақамли коммутацион тизим ишлаб чиқарадиган бўлади. Келгуси йилнинг март ойидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

7 октябрь куни ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари X пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Б. Рўзиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Навоий вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаётган Д. Воҳидов Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Л. Юрикова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси — вилоят ҳокимининг ўринбосари этиб тасдиқланганлиги муносабати билан пленум уни вилоят партия кенгаши иккинчи котиби вазифасидан озод қилди. Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят партия кенгаши иккинчи котиби этиб, мазкур кенгаш ташкилий ишлар бўлими мудири вазифасида ишлаб келаётган И. Сувонов сайланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов пленумда сўзлаган нутқида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида партиямиз ташкилотларининг вазифалари, Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг тўрт йиллигига тайёргарлик кўриш муносабати билан ташкилотларимиз фаолиятини янада яхшилаш, партиямиз қўйи бўғинларида бўлажак ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта ҳозирланиш ва бошқа долзарб масалаларга тўхталди ҳамда вилоят партия ташкилоти ишидаги мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш зарурлигига йиғилганларнинг диққатини жалб этди.

Пленумда Навоий вилоят ҳокими Ҳ. Гаффоров иштирок этди ва нутқ сўзлади. Пленум ишида Марказий Кенгаш котиби Ҳ. Авезов қатнашди.

***

Шу куни Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалолов партиямиз шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари ҳамда фаоллари билан учрашиб, партия сафларини ўстириш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, партия кенгашларининг хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш, айни пайтда, муҳим сиёсий мавсум — ХДП матбуот нашрларига 1996 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари хусусида батафсил сўз юритди.

***

Шунингдек, А. Жалолов Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, у ерда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти фаолиятини ўрганди, кимёгарлар билан дилдан суҳбатлашди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГИЖДУВОН МАРРАДА

БУХОРО. Гиждувон тумани азамат пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб ғалаба манзилига етиб келдилар. Улар Узбекистонимизнинг катта «оқ олтин» хирмонига 34 минг тоннадан зиёд қимматли хом ашё тўкдилар.

Йиллик режа барвақт уддаланган «Ўзбекистон», С. Айний номли, «Гулистон», А. Гиждувоний номли, «Зарафшон», Ф. Хужаев номли, Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжаликларда ҳосилдорлик 45—50 центнерга етди.

— Ғуза устирилган 9080 гектар майдонда ҳали йиғиштириб олинмаган ҳосил кўп, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Нуров. — Шунинг ҳисобига Ватанга режага қўшимча яна 3 минг тонна пахта сотамиз. Ҳосилдорликни туман бўйича гектарига 41 центнерга етказамиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЮШҚОҚЛИК САМАРАСИ

Олтиариқ тумани пахтакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келдилар. 10 минг гектар ерга баҳорда яхши ниятлар билан қадалган барака уруғидан 30 минг тоннадан зиёд мўл ҳосил етиштирилди. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик ҳар гектар ердан 30 центнердан ортди. Давлатга сотилган пахтанинг деярли ҳаммаси биринчи навларга топширилди.

Фарғона вилоятида яхши анъана бор. Вилоят ташкилотлари пахта йиғим-терими арафасида ўз ташаббуслари билан туманларни оталиққа оладилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши Олтиариқ туманидаги йиғим-теримни ўз вақтида сифатли, нест-нобуд қилмай ўтказишга кўмаклашишни ўз зиммасига олган эди. Вилоят кенгашининг биринчи котиби Абдурашид Мирсалимов теримнинг биринчи кунларидаиоқ олтиариқликлар билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлди. Пахтакорларга моддий-маданий шароитлар яратиш борасидаги ишларга кўмаклашди.

Туман далаларида ҳосил кўп. Пахтакорлар умумий хирмонни 45 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Оқ олтин—95»

Боғдод туманидаги «Боғдод» жамоа хўжалиги пахтакорлари Фарғона вилоятида пешқадамлардан бўлиб зафар қучдилар.

Бу йил улар 1030 гектар ерда пахта етиштириб, 35 иш кунида режани уддаладилар. Далалардан 2995 тонна юқори навли пахта йиғиб-териб олинди. Ҳар гектаридан режалаштирилган 30 центнер ўрнига 30,3 центнердан ҳосил йиғиштиришга эришилди.

Теримчиларга иш ҳақлари белгиланган тартибда, мунтазам бериб борилганлиги, уларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўжалик пахтакорлари режани уддалаган бўлсаларда, терим суръатини бўшаштирганлари йўқ. Режага қўшимча 400 тонна пахта йиғиб териб олиб, ялпи ҳосил миқдорини 3395 тоннага, ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни 32,9 центнерданга етказишмоқчи.

СУРАТДА: Боғдод туманидаги «Боғдод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, туман кенгаши депутати Рустамжон Қодиров 5-бригада аъзолари билан.

Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Андижон	0,98	103,52
Хоразм	1,16	93,76
Наманган	1,55	89,90
Фарғона	1,11	88,03
Бухоро	1,19	84,66
Навоий	1,77	83,23
Тошкент	2,44	74,35
Қашқадарё	2,12	73,84
Қорақалпоғистон Республикаси	1,21	69,59
Сурхондарё	1,25	68,79
Самарқанд	1,73	66,94
Сирдарё	2,35	62,38
Жиззах	2,27	60,62
Республика бўйича	**1,62**	**78,11**
1994 йилда	**2,24**	**67,09**

ПАХТАКОРГА – ҲАММА МАДАДКОР

Олим Хўжаев номли Сирдарё Давлат мусиқали драма театри қошида махсус агитбригада ташкил этилди. Унинг таркибида театрнинг таниқли санъаткорларидан тортиб истеъдодли ёш ижрочилари, қизиқчилар, сўз усталари ва бошқалар бор. Яқинда агитбригада жамоаси вилоятнинг Боёвут, Мирзаобод туманларида бўлиб, тушки дам олиш чоғларида пахтакорларга, шаҳарлик ҳашарчиларга ўз санъатларини намойиш этдилар. Ўзбекистон халқ артисти Шафоат Раҳматуллаева, театрнинг таниқли санъаткорларидан Нажмиддин Ўринов, Раъно Юнусова ҳамда бошқаларнинг чиқишларини меҳнаткашлар қизғин олқишлар билан кутиб олдилар. Театр қошидаги агитбригада гуруҳи аъзолари вилоятнинг бошқа туманларига ҳам ижодий сафарлар уюштирмоқдалар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ТУТҚИНДАГИ ЭКИПАЖ ХАТ ЙЎЛЛАДИ

АФҒОНИСТОНДАГИ Толибон ҳаракати томонидан тутиб турилган Россия самолётининг етти нафар экипаж аъзолари Президент Борис Ельцин, Татаристон Президенти Ментимер Шаймиев ва БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга очиқ хат йуллади. «Бизда шундай тасаввур пайдо бўлдики, Россия ҳукумати бизни озод этиш билан шуғулланмаяпти ва бу масалани ҳал этишни Россия Федерациясининг Покистондаги элчихонаси даражасига тушириб қўйди», дейилади очиқ хатда.

БИР ТЎХТАМГА КЕЛИШОЛМАДИ

НАТОГА аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Вильямсберг-даги (АҚШ) учрашув давомида альянснинг Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига кенгайишини тезлаштириш ёки бу жараённи тўхтатиб туриш ҳақида бирор-бир хулосага кела олмадилар.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

НАТО ва унинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо мамлакатларнинг ҳарбий машқлари ниҳоясига етди. Ҳарбий машқларда НАТОга аъзо давлатлардан ташқари Чехия, Словакия, Финляндия, Швеция, Литва, Эстония, Польша каби мамлакатларнинг армиялари қатнашди. Унда Беларусь, Украина ва болгариялик зобитлар кузатувчи сифатида иштирок этди. Россия Федерацияси ҳарбий машқларга таклиф этилганига қарамай, ўз вакилини юбормади.

ҚЎШИНЛАР КИРИТИЛИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

ОЗАРБОЙЖОН ташқи ишлар вазири Гасан Гасанов БМТ Бош ассамблеясининг 50-сессиясида жаҳон ҳамжамияти диққатини Озарбойжон-Арманистон можаросига жалб этди. У муаммони ҳал этиш учун минтақага БМТнинг кўп миллатли қўшинларини киритишни таклиф қилди.

БОШ КОТИБНИНГ ҚАРОРИ

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий Босниядаги тинчликни сақлаш қўшинлари сонини 9 минг нафарга қисқартириш ҳақида қарор қилди. Бу ҳақда Бош котибнинг расмий вакили Жо Силлс оммавий ахборот воситаларига хабар тарқатди.

ФРАНЦИЯ АРМИЯСИ ОЛИБ КЕТИЛА БОШЛАНДИ

ФРАНЦИЯ армиясининг Комор ороллaридаги чекланган қўшинлари бу ердан босқичма-босқич олиб кетила бошланди. Франция қўшинлари Комор ороллaридаги давлат тўнтаришига уринишнинг олдини олиш учун юборилган эди. «Азалия» деб номланган ҳарбий операция натижасида Комор ороллари Президенти озод қилинган, давлат тўнтаришига уринганлар эса таслим бўлди.

ҲАМКОРЛИК БОРАСИДА ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

ОТТАВАДА Россия — Канада ҳукуматлараро иқтисодий комиссиясининг биринчи сессияси якунланди. Сессия якунларига кўра, икки мамлакат ўртасида атом энергияси, тиббиёт, транспорт, қурилиш соҳаларида ҳамда аҳолининг эркин борди-келди қилиши борасидаги ҳамкорликни кўзда тутувчи ҳужжатлар имзоланган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Соғлом авлод учун

МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-клиник шифохонаси тиббиётчилари меҳр-мурувват кечасига тўпландилар. Шифохона қошида академик, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ўктам Орипов етакчилигида фаолият кўрсатаётган Буйрак кўчириш маркази Швейцариянинг жаҳонга машҳур олтиликдан жой олган «Сандоз» фирмасидан катта миқдордаги дори-дармонларни қабул қилиб олди. Маълумки, республикамизда буйрак хасталиклари, уни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг қўлланиладиган тиббий дори-дармонлар ҳозиргача тақчил. Хорижликларнинг умумий қиймати 40 минг долларга тенг инсонпарварлик ёрдами — сандиммун ва бошқа дори-дармонлари беморлар дардига малҳам бўлиши шубҳасиз.

— Инсон қалбида меҳр-мурувват ҳисси жўш урса, у миллат ёйинки масофа танламайди, — деди биз билан суҳбатда академик Ўктам Орипов. — Буйрак хасталикларида жарроҳлик йўли билан даволашда сандиммуннинг аҳамияти катта. Чунки у операциядан сўнг бемор буйрак фаолиятини тиклабгина қолмай, ҳали «ночор» буйракни «ташқи муҳит»га чидамлилик қувватини пайдо қилади. Бу эса сўзсиз беморнинг умумий аҳволининг тикланишида жуда аскотади. Республикамизда ҳам худди шундай фойда берадиган пахта чиқиндисидан тайёрланадиган «Батритден» дориси мавжуд. Афсуски, учи талаб даражасида ишлаб чиқара олмаяпмиз. Биз Туркия фирмаси бераётган мурувват ёрдамларини ҳам алоҳида эътироф этамиз.

Республикамизда ягона ҳисобланмиш бу марказ фаолияти тобора кенгайтирилмоқда. Яқинда марказ Германиянинг «Регенс» фирмаси томонидан ҳам 25 миллион сўмлик «сунъий буйрак» асбоб-ускуналари олди ва у ҳозирда беморлар учун хизмат қила бошлади.

Зеро, бемор инсонлар дардига шифо бағишлаш, ўзаро чин инсоний меҳр-оқибат, муруввatпешалик қаршисида ҳар қандай дард чекинмишдир.

Санда ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОРХОНА ҲИСОБИДАН 50 КИШИ

Шаҳрисабз консерва ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги йирик корхоналардан бири. Мулкни ўз тасарруфига олган бу жамоада 1300 киши меҳнат қилади. Улар бозор иқтисодиёти қийинчиликларини ақиллик билан бартараф этяптилар.

— Табиати беқиёс юртимизда ноз-неъматлар мўл, дейди корхона раҳбари Сафар Эштўхтаров. — Аҳоли эҳтиёжидан ортиб қолаётган маҳсулотларимиз учун ташқи бозордан харидор изламасак, корхона синиши мумкин. Ўтган йили Венгриянинг «Совен КФТ» фирмасига 500 тонна томат пастаси сотган эдик. Бу йил 1,5 минг тонна маҳсулот учун шартнома тузилди. Олмониядаги йирик «Янки фрухтзефта Концентрате ГамХ-КоКГ» фирмасига 300 тонна олма шарбати юборяпмиз.

Италиядаги кўпгина фирмалар билан ҳам алоқамиз яхши. Маҳсулот айрибошлаш ҳисобига керакли ускуналар оламиз.

Куни кеча уддабурон раҳбар корхона ҳисобидан 50 кишини «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилишга қарор қилганлигини айтиб, газета саҳифаларида муҳим мавзулар, ўқувчи талабига мос мақолалар кўпайса деган истак билдирди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Обуна — 96»

ОБУНАЧИ БОР, ТАШУВЧИ ЙЎҚ

Республикамиз бўйича газета-журналларга обуна бошланганига кўп бўлмаса-да, матбуот нашрларини ташиш ва эгаларига етказиб бериш дуруст йўлга қўйилган жойларда обуна қизғин давом этяпти. Ахир кундалик ҳаёт янгиликларидан, мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан, юртбошимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларидан ўз вақтида воқиф бўлишни ҳамма истайди-да!

Бироқ газета-журналларга ёзилсангизу, уларни вақтида ололмасангиз-чи? Ажабо, шунақа жойлар борми, деб ўйлашингиз турган гап. Ҳа, бор. Жиззах вилоятидаги Бахмал тумани аҳолисидан 3200 киши 1995 йил газета-журналларига обуна бўлишган. Туман билан вилоят маркази оралиги 70 километр. Мана қарийб бир йилдан буён туманга тегишли почта юклари, газета ва журналлар хат ва шошилинчномаларни бир киши йўл уловлари ёки киракашлар билан ташийди.

Кундалик почта юклари туман марказига келтирилгач, қишлоқ алоқа бўлимларига ҳам йўл уловларида етказилади. Туман қишлоқлари тарқоқ ва баъзи алоқа бўлимлари Бахмалдан 65-70 км. узоқликда жойлашган. Шундай экан, баъзан бу юклар, жумладан газета-журналлар туман марказида ҳафталаб қолиб кетади. Почтальонлар етишмаслиги сабабли марказга яқин ҳудудларда ҳам матбуот нашрлари, хат-хабарлар эгаларига ўз вақтида етиб бормайди.

Шундай кўнгилсиз ҳолнинг сабабларини сўрасангиз, туман почта алоқа тармоғининг бошлиғи Т. Жабборов тайинли бир нарса деёлмади. Бу алоқа тармоғида кейинги йилларда аҳолига хизмат кўрсатиш турлари камайгач, унинг молиявий аҳволи оғирлашди. Шундай бўлсада тумандаги 22-хўжалик ҳисобидаги автокорхонадан ижарага машина олишиб, 1994 йил охиригача ундан фойдаланиб туришди. Лекин ижара пулини тўлаш имконияти йўқлиги учун бу йил ўша машинадан воз кечилди.

Жамият тараққиётини алоқа ва почта хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу тизим сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишида алоҳида ўринга эга. Шундай экан, Бахмал тумани мутасаддилари бу корхона ишларини ташкил этишга ҳам жиддий эътибор берсалар айни муддао бўлур эди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Фуқаролар учун обуна баҳоси
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1210,80 сўм.
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллиги олдидан

ЯНГИ КУЧ-ҒАЙРАТ БИЛАН

1-«Яккасарой» маҳалла оқсоқоли Ориф Алимаҳсумов биринчилар қаторида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб, маҳаллада бошланғич партия ташкилоти тузиш ташаббуси билан чиққанлигини туман аҳли фахр билан эслайдилар. Шунда маҳалладошлардан 19 нафари партия аъзолигига қабул қилинганди.

Бошланғич партия ташкилотларининг котиблар соатида Тошкент Давлат педагогика институти декани, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов давлат тили ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш бўйича семинар-ўқувини ўтказди. Худди шу куни Низомиддин Маҳмудовга ХДП аъзолиги билети топширилди.

Яккасаройлик партиядошларимиз ЎзХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллигини муносиб кутиб олишяпти. Туманда 2206 нафар партия аъзолари бор. Улар 104 та бошланғич партия ташкилотига бирлашиб, шаҳримизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқдалар. 19 та ҳудудий партия ташкилоти маҳаллаларда ташкил этилган. Аъзоликка қабул ўтган йилдагига қараганда икки ҳисса ортди. Бу туман кенгаши ўтказаётган аниқ тадбирлар самарасидир.

Яккасарой туман партия кенгаши ўз фаолиятида республикада биринчилар қаторида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимини жорий қилди. Бу яхши самара бермоқда. 17 та маҳаллани 6 та маҳаллий ўз-ўзини бошқариш комитетлари бирлаштиради.

Туман кенгаши иш тажрибасидан муҳим ўрин эгаллаган омил бу бошланғич партия ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, шу асосда иш юритишдир. Бу борада тумандаги барча корхона ва хўжаликлар билан тузилган шартномалар яхши самара бермоқда.

Шунингдек, бошланғич партия ташкилотларида партия ғояларини тарғиб этишга йўналтирилган учрашувлар бўлиб ўтяпти. «Тошгаз», Тошкент тўқимачилик комбинати, «Пахтасаноат» илмий-текшириш маркази, 1-«Яккасарой» маҳалласи бошланғич партия ташкилотларининг мафкуравий ишларини туман кенгашида тузилган ишчи гуруҳи ўрганиб чиқди. Уларнинг иш режалари атрофлича таҳлил қилинди. Юқорида зикр этилган бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумлари, Республика Олий Мажлиси сессияларида муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз вақтида тадбирлар ўтказган. Бу борада партиядошлар фикрини ўрганган.

Барча бошланғич партия ташкилотлари ижтимоий-сиёсий ҳолатларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Аниқ вазифаларни ҳал этмоқдалар. Масалан, «Конституция» маҳалласида гузар қурилиши, кўча ва турар-жойларни ободонлаштириш бўйича ҳашарлар ўтказиляпти.

Туман кенгашида кам таъминланган, етим болаларни ташкилот ва корхоналар оталиғига бериш масаласи кўрилди. Шу асосда тумандаги 64 ўқувчи маҳаллалар, корхоналар диққат марказида бўладиган бўлди. Тумандаги қатор ташкилотлар: «Паризод» акционерлик жамияти, пойабзал фабрикаси, ОКБРУ, «Ўзбекгаз қурилиш», тўқимачилик комбинати болаларга ҳисоб очиб пул ўтказдилар.

Яна бир хайрли иш: барча байрам ва тадбирларда кўча, хиёбонларни бадиий безаш, уларга сиёсий йўналиш бериш туман партия кенгаши зиммасида.

Бир сўз билан айтганда, муваффақиятлар кўлами партияга эътиборнинг кишилар ўртасида ортиб бораётган туман партия кенгаши фаоллари зиммасига янги-янги вазифаларни юкламоқда. Бу эса ўз навбатида уларга куч-ғайрат бағишлаяпти.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгаши биринчи котиби Абдумутал Абдуллаев (чапда) фаоллар билан янги иш режалари хусусида суҳбатлашмоқда.

Козимжон ЎЛМАСОВ сурати.

«Ўзбекистон овози» таништиради:

ВОҲИДОВ Даврон Аҳрорович

Ўзбекистон ХДП Навоий вилояти кенгаши биринчи котиби

1948 йилда туғилган, миллати ўзбек. Олий маълумотли — Бухоро Давлат педагогика институти ва Андижон пахтачилик институти (сиртқи бўлими)ни битирган. Мутахассислиги бўйича математика ўқитувчиси ҳамда инженер-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Ғиждувон туманидаги Охунбобоев номли мактабда ўқитувчиликдан бошлади. 1968 -1969 йилларда армия сафларида бўлди. Ҳарбий хизматдан қайтиб келгач, Қизилтепа тумани мактабларида ўқитувчилик қилди. 1972—85 йилларда комсомол ва партия органларида турли масъул вазифаларда ишлади. 1985 йилдан касаба уюшмалари тизимида масъул лавозимларда меҳнат қила бошлади. 1992 йилдан — Навоий вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Шу йил 7 октябрь куни Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

ЯНГИ КОТИБ САЙЛАНДИ

Яқинда Узбекистон ХДП Бекобод шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Д. Қориев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у партиямиз Бекобод шаҳар биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Бекобод шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Б. Содиқов Узбекистон ХДП Бекобод шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Узбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби У. Т. Турғунов Узбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилганлигининг тўрт йиллиги олдидан вилоятда олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳамда маҳаллий партия ташкилотларининг долзарб масалалари ҳақида сўзлади.

Пленум ишида Бекобод шаҳар ҳокими Ж. Г. Насреддинов қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲИНДИСТОНДА КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Мустақил давлатимизнинг тўрт ёшга тўлиши муносабати билан Ҳиндистонда Ўзбекистон тарихи ва ҳозирги кунини акс эттирувчи бир қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шулардан бири Нью Дели шаҳрида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон миллий музейининг биргаликда уюштирган кўргазма ҳинд-ўзбек маданий меросига бағишланди.

Кўргазманинг шаҳар аҳолиси ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотаётганининг боиси бор. Бу икки халқ маданий алоқалари, тарихи, санъати, удуми пайванд бўлиб кетганлигидан, қолаверса намойиш этилаётган экспонатлар ўзининг ноёблиги, тарихийлиги билан ажралиб турибди. Маълумки, ҳинд-ўзбек илмий-маданий алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто X асрдаёқ бобокалонимиз Беруний-нинг Ҳиндистон таассуротлари ва унинг жуғрофияси тўғрисида ёзиб кетган ишлари ҳиндшунослар учун ҳозиргача бебаҳо манба саналиб келинади. Қадимий «Буюк ипак йўли»нинг ҳам икки халқнинг савдо-сотиқ қилиш, маданий алоқаларининг маълум маънода алмашинувига таъсири бўлган. Шундай бўлса-да алоқаларимизнинг ҳар томонлама гуркираб ривожланган даври Бобурийлар сулоласидан, яъни XVI асрдан бошланган десак хато қилмаймиз.

Кўргазмага асосан Ҳиндистонда сақланаётган ва унинг мулки бўлиб қолган кўплаб тарихий қўлёзмалар, ноёб китоблар, ҳар хил даврни акс эттирувчи миниатюралар, санъат асарлари қўйилган. Ҳиндистондаги Ўзбекистон элчихонаси ходимлари саъй-ҳаракати билан кўргазма экспонатлари атлас, чинни, сўзана, тарихий обидаларимиз тўғрисидаги портретлар ва миллий совға буюмларимиз билан янада бойитилди. Кўргазманинг очилиш маросимига Ҳиндистоннинг шу соҳада етакчи мутахассислари ва олимлари ташриф буюришди. Бу катта тадбирни Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Суръат Мирқосимов очди.

Кўргазма зали. Одам гавжум. Бу ерда нафақат Ҳиндистон, балки ўнлаб бошқа хорижий мамлакатлар фуқароларини ҳам учратасиз. Эътиборимни тортган нарса: Бобурийлар сулоласининг бешинчи авлоди Шоҳ Жаҳоннинг «Тож-Маҳал»ни қуришга доир чиқарган фармонининг асл нусхаси ва Шоҳ Жаҳоннинг имзоси бўлди. Бундан ташқари Акбар Буюкнинг, ҳатто Ауранзебнинг фамонлари сақланган. Ёзув, безаклари олтин ва «лапус лазури» билан жозибали қилиб ишланган, XV асрда Самарқандда ёзилган ва Ҳиндистон сафарида Бобурга йўлдош бўлган «Қуръони Шариф», «Бобурнома»нинг эски ўзбек тилидан форс тилига ўгирилган, ниҳоятда сержило, қимматбаҳо қилиб ишланган биринчи асл нусхаси киши эътиборини тортади. Бу китобни Бобурнинг невараси Акбар Буюк XVI асрнинг энг буюк ҳаттотларидан бўлган Абдур Раҳим ал Ҳаравийга ёздириб, кейин расмлар билан безаш учун машҳур мусаввирларга берган. Китобнинг ичида Бобурнинг Самарқандда, Андижонда, Қобулда, Ҳиндистонда бўлганликларини акс эттирувчи рангли расмлар бор.

Кўргазма арафасида Ҳиндистон Миллий музейи илмий ходими, доктор Насим Ахтар қаламига мансуб «Самбандха» («Алоқалар») номли журнал ҳинд ва инглиз тилларида рангли расмлари билан чоп этилди. Журналда ўзбекларнинг келиб чиқиши, бой маданий мероси ва Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод этган буюк алломаларимизнинг жаҳон фани ва адабиётига қўшган буюк ҳиссаси ҳақида илиқ фикрлар ёзилган. Жумладан, Самарқандда XV асрдаёқ Улуғбек расадхонаси фаолият кўрсатгани, Бухоро ҳаттотлик мактаби довруғи тўғрисида ҳам мисоллар келтирилган.

Дарвоқе, кўргазмага қўйилган кўпгина ҳаттотлик санъати намуналари бамбук дарахтидан ясалган қоғозларга ёзилган экан. Қоғоз технологияси II асрдаёқ Хитойда кашф этилган бўлса-да, маълум бўлишича, бутун жаҳонга Самарқанд орқали ёйилган. Сабаби араблар VIII асрнинг бошида Самарқандни босиб олган вақтда бу ерга юзлаб асирга олинган Хитой аскарлари ҳам келтирилган экан. Қоғоз тайёрлаш технологияси Хитой аскарларидан ўзлаштирилиб, кейинроқ ипак билан янги технологиялар яратилиб, сўнгра бутун дунёга тарқалган экан.

Экспонатлар орасида аскарлар кийган, темирдан ясалган бош кийимлар, XVII асрда фойдаланилган кумуш кўзалар, эрамиздан аввалги I асрда ва сўнгроқ Кушон даврида чиқарилган кумуш, олтин тангалар ҳам бор. Булардан ташқари Бобурнинг кутубхонасидан жой олган ва унинг авлодлари томонидан севиб ўқилган юзлаб асарлар ҳам намойиш этилди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Ибн Синонинг «Ал-Қонун», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Суҳбатул Аброр», Яздийнинг «Темурнома», Низомийнинг «Хамса»си ва бошқа ўнлаб асарлар шулар жумласига кирган.

Кўргазма залида Непалдан келган журналист Лук Нат Сингрула билан мулоқотда бўлганимизда у «Ўзбекистон ҳақиқатда тарихга бой, билимлар ўчоғи ва маданият маконидир. Бобурийлар сулоласи эса Ҳиндистонни ўз маданияти, маънавияти, архитектураси билан бойитди», деган фикрларни билдирди.

Ҳа, непаллик журналист ҳақ. Ҳиндистонга тарвуз, қовунлар уруғини олиб келиб бу юрт учун янгилик ҳадя этган, олмаю анорларнинг навларини келтирган ёки ҳинд тилига сомса (самуса), тандир кабоб (сих кабоб) сўзларининг кириб қолиб кетишига ҳам бобомиз Бобур сабабчи бўлган. Унинг авлодлари қуриб қолдирган афсонавий меъморчилик ёдгорликлари эса уларнинг ўчмас хотираси ҳақида мангу сўзлаб турибди. Бу билан ҳар икки халқ ҳам баравар фахрланишади.

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Ҳиндистондаги ўз мухбири.

СУРАТДА: Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи «Самбандха» журнали.

Тадбиркорлик — юрт истиқболи

«Андижон» қўналғасининг рўбарўсида макон топган А. Исмоилов номли жамоа хўжалиги жойлашган қишлоқ кўчаларида икки-уч қатордан мевали дарахтлар саф тортган. Бу ерларни авваллари Дўнғқишлоқ дейишарди. Ёрбоши томондаги яна бир қишлоқнинг номи ҳам шундай, балки улар шаҳар атрофида жойлашгани сабабли шунақа ном олиб қолгандир. Ҳар нечук ўтмишда шундай эди. Энди у қишлоқ эл орзида Бойқишлоқ деб ном чиқарди.

Шундоққина шаҳар биқинида яшовчи кишиларни пахтага тортиш осонмас. Айниқса Андижонда «Жаҳон бозори» қурилганидан бери... Бир вақтлар ҳатто жамоа хўжалиги ҳудудида яшаб туриб, шаҳарда ишловчиларни қишлоқдан кўчириб юборишарди. Лекин биз қиқоя қилаётган қишлоқда бунинг акси бўлди: шаҳарга ҳавас қилган деҳқонлар уни она қишлоғига кўчириб олишди. Қандай қилиб денг? Пахтачилик, боғдорчилиғу узум ҳамда сабзавот етиштириб олган даромадини тежаб-тергаб иморатлар солишди, жиҳозлар олишди. Ёшлари ҳунарлар бошини ушлашди... Бугунга келиб бу қишлоқ тенгли бошқа қишлоқларда энди саноат қуртаклари бўй бераётган чоғда Исмоилов ҳудудида йигирматадан ортиқ корхона гуруллаб турибди. Айрим туманларда экин майдонлари маъданли ўғитларга банги бўлиб қолиб, унинг тақчиллиги сабабли ҳосил беролмай қолган чоғда янги бой қишлоқ пахтазорида гектаридан 48 центнердан хирмон қад ростлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Пахтазорда қарасангиз, энди иккинчи терим бошланадиганга ўхшайди!

Жамоа хўжалиги ўтган ҳосил йилида Фарғона водийсида биринчи бўлиб пахта сотиш режасини бажарган эди. Бу йил эса вилоятда иккинчи бўлиб маррага етиб келишди. Баҳорги буғдойзор ўрнига экилган ғўзаларда пахта энди пишган бўлса, аксари жойлардаги пахтазор ўрнига яқинда кузги буғдой сепилади... Шунақа, бу хўжалик аъзолари ҳар қарич ердан икки-уч мартадан ҳосил олмагунча тинчишмайди!

Ҳудуди чоғроққина мазкур хўжаликда олти мингта яқин киши қозон қайнатади. Ерларнинг ярми томорқага берилган бўлса, ярмиси экинзор. Экинзорларнинг ярми пахтазор бўлса, ярмида узумзору сабзавотлар. Қишлоқ аҳлининг фурсати тиғизроқ, табиати «олди-берди»ларда «зиқнароқ»... Шу сабабдандирки, улар етиштирастган маҳсулотнинг аксарияти шу қишлоқнинг ўзида қолади, тозаланади, қайта ишланади, пиширилади, тикилади ва... ўзларига насиб қилади! Ҳар бири 60 ўрнили учта тикувчилик цехи, 2 та тишт пиширш цехи, консерва, егочни қайта ишлаш, пойабзал тикиш цехлари каби корхоналар ўтган йилнинг ўзида хўжаликка салкам 4 миллион сум соф даромад келтирди. Қишлоқ галлазорларида етилган буғдой шу ернинг ўзида қад росталаган кичик ун комбинатида тортилиб, аҳолига тарқатилади, эл қопидан ортганлари тегирмон енидаги нонвойхонада пиширилиб, хўжалик ҳудудидаги фирма дуконларида сотувга чиқарилади. «Асал» фирмасига қарашли нон цехида тайёрланаётган нон турлари йигирма хилдан ортиқ бўлиб, бир кунда мингтадан ортиқроқ булка ва кулчалар одамлар дастурхонини безаяпти.

Биз бой қишлоққа борган кунларимизда, яъни жамоа хўжалиги пахта сотиш режасини уддалаган кунларда тегирмон Тоҳиржон исмли мутахассисга ҳусусийлаштириб берилаётган экан. «Хусусий тегирмонлар юртимизда кўп» — дейсизми? Биламан, шахсий сув тегирмонлар, ўттегирмонлар бор! Ҳатто яқинда бир ҳамқишлоғимга мен ҳам пойтахтдаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан мўъжазгина электр тегирмон сотиб олишга кўмаклашганим бор! Лекин Тоҳиржоннинг тегирмони бутунлай бошқача экан: улкан, осмонўпар! Илмий тилда уни «элеватор» дейишади. Узиям бир кунда ўртача 60-70 тоннадан буғдойни кўрдим демайди! Енидаги озуқа тайёрлаш цехи билан биргаликда унинг баҳоси шу кунларда салкам миллион сум тураркан! Қарашларидан ўт, қадамларидан ишонч чақнаб турган, ўттиз ёшлар атрофидаги «тегирмончи миллионер» йигитни нон цехидан тогдим. Унинг шундай улкан иншоотни хусусийлаштириб олишга таянчи манбаини суриштирдим.

— Президентимизнинг қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ банкдан бир ярим миллион сум қарз олдим, — дейди Тоҳиржон. Агар тегирмоннинг шу чоққача ишлатилган амортизация қийматини чиқариб ташланса, у ўзимники булади. Ортган ярим миллон

БОЙ

сумга бўтдой олиб келиб ун тортамиз, унни одатдагидек аввало хўжалик аъзоларига очиқ ведомост бўйича улашамиз. Ҳамқишлоқларимиздан ортганини шаҳардаги хусусий дуконда пулга айлантирамиз.

— Илойим, ниятингиз йўлдош бул-

ҚИШЛОҚНИНГ

син! Шунда ҳам бунча катта қарз қутаришга одамнинг юраги бетламайди... — дедим туйғуларимни яширолмай. Қолаверса, бу ишбилармон йигитнинг ўзини тиклаш усулини ўргангим келди.

— Кўз — қўрқоқ, қўл- ботир, дейдилар, опа! — Тоҳиржон мақсадимни саволим-

БАРОРИ

дан уққан чоғи, қисқача шарҳ берди. — Мана, биз у вақтларда 5-6 яшар бола эдик. Дадамиз техникумда ўқитувчи эдилар. Ўйимиз ҳам, молимиз ҳам йўқ эди. Шу қишлоқдаги кооператив ўйлардан бирида ижара ўтириб, ўй олдидаги 8 сотих томорқага ота-онамиз чинор кўчати экишган экан. Ўшани уч йил чопдик, бутадик, суғорлик дегандек парвариш қилганмиз. Тўртинчи йил баҳорида Бахмал тарафлардан харидорлар келиб чинорларимизни сотиб олишган. Кейин билсак, ўшанда ойламиз 18 минг сум даромад қилиб, ўй пулидан ҳам қутилишган, ортганига «Москвич» автомобили сотиб олишганди. Чинордан бўшаган ерга беда-ўт сепиб беришди. Дадамга «энди жужа олиб беринг» дедик. У киши «мана, сенларга» деб уч мингта жужа келтириб ташлади. Одамлар инкубаторнинг жужалари ўлиб кетади, деб қўрқитишди. Чиндан ҳам қанча асрасак-да, мингтага яқини нобуд бўлди. Лекин қолган икки мингтасини қирқ кун боқиб 5 сўмдан пуллаганмиз. Ёмонми, ҳар бири 12 тийиндан келган жужаларни қирқ кун боқиб бош сўмдан сотдик. — Тоҳиржон ўша болалик, ўсмирлик чоғлари эсига тушиб қўлларида гоҳ жужалари, гоҳ жужа хўрозлари шаклини қўрсатарди. — Биз ака-укалар у вақтларда бола эдик! — деб гапини маъновдор якунлади ёш тадбиркор.

Биз суҳбатлашгунча бир неча киши келиб тегирмондан ун олиб кетди, кажавали автомобиль бўлса янги тандирдан чиққан иссиқ нонларни қучоқлаб дала шийпонларидаги дуконларга 2 марта нон улашиб қайтди. Янги ўзилган нон бўйлари анқиган кўчалар бўйлаб қишлоқ айландик... Мактабдан қайтаётган болаларнинг чақноқ кўзлари, шифохонадан чиққан кишининг мамнун сўзлари қўнглимизга фарах солди.

Биридан-бири меҳнаткаш, биридан-бири тадбиркор кишилар жамланган қишлоқ оралаб юрарканман қалбимда фахр, ғайрат туйғулари аро бир ҳавотир жимирлаб ўтди: «Саҳоватли, шунчалар заҳматкаш она ернинг ҳоли не кечяптийкан?! Йилда уч-турт карра ҳосил беришга қандай қудрати етяптийкан? Чарчаб қолмадингми, ўзингга ҳам меҳр-сийлов оляпсанми, она тупроғим?» Ана, шу ҳавотир билан сайёр йўлим элтган биринчи пайкални ораладим. Бу-Абдуфаттоҳ Жабборов бошлиқ бригадага қарашли майдон бўлиб, унда вилоят қишлоқ ҳўжалик саноати мутахассислари хитойча пахта етиштириш усулини тажрибадан ўтказишаётган экан. Айтишларича, бу йил биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 40 центнердан ҳосил кутарилибди. Мутахассислар пайкалларда яна камида ун центнердан пахта борлигини чўтлаб туришибди.

— Бу усулда пахта етиштиришнинг афзалликлари кўп экан, — дейди бригадир. — Уток, чопиқ-бўлмади. Қатқалоқ, илдиз чириш нималигини билмадик. 7-8 марта ўрнига 2 марта ишлов бердик. Турт марта суғоришни иқтисод қилдик. Ўшаларга кетадиган маблағ ёнга қолди. Меҳнатимиз ҳам бешолти карра енгиллашди. Бош ҳосилотимиз М.Ҳайитов бошчилигида Улфатхон, Эргашхон Маматвалиевалар билан Саримсоқова Фаридахонга ўхшаш чевардларимиз пахтачиликдаги бу янги сирларни тез ўзлаштириб олишди. Келаси йили кўпроқ майдонда мана шу хитойча усулда пахта етиштирмоқчимиз.

— Қишлоғимизга бу йил Тошкентдаги «Истиқболли тадқиқотлар » институтидан келтирилган Калифорния чувалчанглари цехи етарли миқдорда биогумус тайёрлаб берса, далаларимиз кимёвий ўғитлардан бутқул фориғ бўлади, — деб бригадир гапини тўлдирди шу ерлик ҳамроҳим Илҳомжон.

Қишлоқдаги ҳаёт тарзи, меҳнат жараёни билан танишдиму уларга кетадиган харажат билан келадиган фойдани таққослаб ҳомчўт қилиб кўрдим. Йўқ, ҳисобига етиш қийин экан. Халқимизда байрам байрамдай ўтсин, деган нақл бор. Бой қишлоқнинг иқтисодиётини ўргансам, охиригача ўрганай деган ниятда жамоа ҳўжалиги бошқаруви идораси томон бурилдим. Раис Абдураҳмон ака Қодировни ғалаба билан табриклаб, иккки оғиз келгуси режалари ҳақида сўзлаб беришини сурадим.

— Пахта тайёрлаш режасини камида 140 фоизга етказамиз, — деди раис. — Шунда ҳосилдорлик гектарига 50 центнерданга тўғри келади. Жамоа хўжалигимиз таркибидаги қўплаб корхоналарни, сабзавот ва полиз майдонларини, чорвачилик фермаларини, қўйинги, ҳаммомгача аҳолига ҳусусийлаштириб бердик. Қишлоқда якка тартибда ишлаётган тадбиркорлар шароитини ҳам созладик. Насиб қилса, ўй охирига бориб ҳамма боғларимизу пахтазор майдонларини ҳам эга-эгасига топширимоқчимиз. Ўшанда хўжалигимиз ширкатлар уюшмасига айланади. Ихтисослашган ҳар бир ширкатнинг банкда ўз ҳисоб рақами; аъзоларнинг омонат жамғармасида ўз дафтарчаси булади. Бу ишларни битириш қўлай бўлсин учун яқинда қишлоғимизда «Андиконбанк»нинг филиалини очдик.

Идорага ёндош бинода жойлашган иқтисодчилар ҳузурига йўл олдик. Лекин у ерда бош ҳисобчи Олимжондан тортиб бош иқтисодчи Ўктамжону ердамчиси Ойбеккача ҳамма ходимлар ҳисоб-китоб, чўтқориш билан банддлигини кўриб йўлдакай қайтдик. Топганларига янада барака кириб, ҳамиша узларникиларига буюрсин! — деган тилак бенхтиёр диллардан тилларимизга кўчди.

Хуллас, бу қишлоқнинг номи тез орада чиндан ҳам Бойқишлоқ бўлиб кетишига ишондим.

Мукаррама МУРОД қизи,
Андижон тумани.

ҚАНДИЛЛАР, БИЛЛУР ҚАНДИЛЛАР

Биллур қандиллар. Биллур қадаҳлар. Бугунги кунда улар одамлар ҳаётида қандай роль ўйнамоқда? Шу ҳақда истеъмолчи фикрини билиш мақсадида шаҳар айландик. Бозорлару дуконларга, пойтахтнинг ҳашаматли марказий универсал магазинига ҳам кирдик. Томоша хўб яхши бўлди. Ҳар қалай ҳаддимиз сиғиб бирор нарса ололмасак-да, кўзларимиз тўйиб чиқди магазиндан. Айниқса, у ердаги биллур идишлару, биллур қандилларни кўриб оғзимиз очилди. Бирам ҳашаматли, бирам жимжима ишланганки, кўриб кўзинг қувнайди. Бироқ одамларнинг кўпчилиги мазкур буюмлар ҳақида яхши фикр билдирсалар-да, нархига келганда... Аммо барибир улар харидорсиз қолмаётганини тан олиш керак.

— Маҳсулотимиз нархига келсак, — дейди биллур буюмлар ишлаб чиқарувчи «Оникс» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Адҳамбек Фозилбеков, — бу биз учун ҳам муаммо. Лекин маҳсулотимиз нархини арзонлаштириш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Ахир бозор иқтисодиёти — иқтисодий рақобатлар майдони.

Заводимиз тўлиқ электр қуввати ҳисобига ишлайди. Бу эса электр ва бошқа ҳом ашё маҳсулотлардан иложи борича тежамли фойдаланишни талаб этади. Биз шундай қиляпмиз ҳам. Шу билан баробарида ички имкониятларни қидириб топмоқдамиз.

Қизиқ, биллур қандилларнинг не хосияти бор эканки, инсон зоти унга интилиб ящайди? Унда не сир-синоатлар мужассамки, одамзот уни авайлаб-асрайди, уйининг энг азиз саналмиш меҳмонхонаси тўрида сақлайди? Ё инсон руҳиятида виқорли, ҳашаматли ҳаёт кечириш кўринишларини белгилайдиган мезонлардан бири шумикин?

Қандиллар. Биллур қандиллар. Унинг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалса-да, ҳали-ҳануз ўз қадрини йўқотгани йўқ. Негаки, унинг замирида юзлаб даражали оловда тобланган инсон меҳнатию, қўллар сеҳрила яратилган бир дунё санъат, нафосат ва салобат гулшани етади. Зеро, инсон ғўзалликка талпиниб яшайди. Бугунги кунда бирор-бир хонадан йўқ-ки, у ёки бу турдаги биллур қандиллар уйини чароғон этмаган бўлсин, бирор-бир хонадон йўққи биллур идишлар тоқчаларда савлат тўкиб турмаган бўлсин. Демак, ўз маҳсулоти орқали ишчилар руҳи, қалби, тафти кириб бормаган хонадон ҳам йўқ ҳисоб.

Дарвоқе, август ойида пойтахтнинг Рассомлар кўргазма залида республика саноат маҳсулотлари намойиш этилганда «Оникс» очиқ турдаги акционерлик жамияти ҳам муваффақиятли қатнашди. Ўшандан сўнг Словакиянинг «Богема» фирмаси улар ҳузурига «бош уриб» келди. Ният — улар билан ҳамкорликда ишлаш, олий сифатли биллур буюмлар ишлаб чиқариш тажрибасини ўзлаштириш. Завод маҳсулотлари, ҳатто Швейцариядаги кўргазмалар залида ҳам савлат тўкиб, Узбекистон саноатини намойиш этиб турибди. Бу муваффақиятларнинг замирида тинимсиз изланишу ижод, тадбиркорлиғу омилкорлик муштараклигининг инъикосини кўриш мумкин. Масалан, 1971 йили Урта Осиёда биринчи булиб Тошкентдаги «Миконд» заводида (ҳозирги «Оникс» очиқ турдаги акционерлик жамияти) биллур буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, ўшандан бери маҳсулот сифати ва ассортиментини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга ошириб, «варқали қумни қайта ишлаш тажрибаси жорий қилиниб, «Каскад» тизимидаги кимёвий сайқаллаш усули ўзлаштирилди, янги маҳсулотлар яратувчи бадиий лаборатория ташкил этилди.

Тўғри, ҳозирги кунда уларга ҳам анча қийин бўлиб қолди. Асосий ном ашё бўлмиш оқ қум фақат Украинадан олиб келинади. Бироқ ишлаб чиқариш тўхтаб қолгани йўқ, завод тула қувват билан ишлаяпти. Ишчилар маошида ҳам узилиш йўқ.

Маълум бир муаммоларни бартараф этиш ниятида жамоа раҳбарияти завод қошида кичик қўшма корхоналар очишни изга солди. Ҳозир Татаристондаги соат ишлаб чиқариш заводи билан ҳамкорликда «Командирский» қўл соатлари йиғилмоқда. Яқин кунларда Покистон ишбилармонлари ёрдамида биллур қадаҳ ва фюжер ишлаб чиқарувчи ускуналарни автоматлаштириш, Германиянинг «Сименс» фирмаси билан биргаликда электр қувватини тежайдиган лампалар, Россия тадбиркорлари билан ҳамкорликда газ, сув истеъмолини ўлчайдиган асбоб (счётчик)лар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар очиш кўзда тутилган. Қисқаси, аҳил жамоанинг нияти йирик. Мақсад — кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, истеъмол бозорини юқорида айтилган маҳсулотлар билан тўлдириш.

Алимқул СУЛТОНОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ислоҳот ва одамлар

МАДАДКОРЛАР ФИРМАСИ

Ховос туманидаги Баландчақир қишлоғида ёғ ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этган тадбиркор Шодмон ака ХИДИРОВнинг иш тажрибасидан

Шодмон ака бундан уч йил муқаддам ўз хоҳиши билан соғлиги сабаб бўлиб пенсияга чиқди. Энди бемалол дам олиб, фарзандлари, оиласига бош-қош бўлиб юриши мумкин эди. Чунки фарзандларининг барчаси қобил, эл ишига ярайдиган йигитлар ва қизлар бўлиб камол топдилар. Лекин у ҳузур-ҳаловат эмас, балки яратувчилик, бунёдкорлик йўлини танлади. Чунки янги давр, мустақиллик кўплар қатори унинг ҳам қалбига изланиш, ишлаш, эл-юртга фойда келтириш, ўз юртдошларининг оғирини енгил қилиш, қолаверса, ўзлигини намоён қилиш сингари истаклар оловини ёқиб юборган эди.

Чамаси ноябрь ойининг охирлари эди. Тадбиркорлик ташвишлари билан юрган Шодмон ака қишлоқ кенгаши раиси ҳузурига киради ва бу ерда бир жанжалнинг устидан чиқиб қолади. Ҳамқишлоқларидан бири йил бўйи меҳнат қилиб етиштирган хом ашёсини қўшни Тожикистон қишлоқларидан биридаги кичик корхонага ёғ чиқариб олиш учун олиб борган экан. У ерда хом ашёсидан ёғ чиқариб беришибди. Лекин уни истеъмол қилиб бўлмас экан. Сабаби — ҳам ўта сифатсиз, бунинг устига ёғдан нефть маҳсулотларининг ҳиди келармиш. Бечора деҳқон куйиб-пишиб қишлоқ оқсоқоллар кенгаши раисидан ёрдам сўрамоқда эди...

Шодмон ака жанжалга аралашмади. Аммо шу ондаёқ ўйланиб қолди. Нега шу кичик корхонани ўзимизда ташкил этиш мумкин эмас? Ахир мана бу бечора сингари куйиб-пишиб юрганлар озмунча дейсизми?

Унинг асли нияти — қишлоқда тегирмон очиш эди. Лекин чўқурроқ ўйлаб қараса, ёғ чиқариш бундан ҳам заруррроқ ва фойдалироқдек туюлди. Чунки қишлоқда ва унинг атрофларида одамларнинг ана шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжлари кўпроқ сезилмоқда эди. «Ёғ чиқаришни йўлга қўйиб олгандан сўнг, тегирмон масаласини ҳам ўйлаб кўрса бўлади», деди ўзига-ўзи тадбиркор.

Ана шу воқеа сабаб бўлдию, тезлик билан ишга киришди. Тошкентдаги «Ташсельмаш» заводи билан боғланиб, у ердан иккита мойжўвоз агрегати олиб келди.

Энди жой масаласини ҳам асосли, одамларга қулай қилиб танлаш лозим эди, токи келиб-кетадиганларга ҳар томонлама қулай бўлсин. Бунинг ҳам чораси топилди. Туман ва хўжалик раҳбарлари тажрибали раҳбарга унинг хайрли ишларида ёрдам қўлларини чўздилар. Туман пиллачилик идораси мана шу ерда, яъни «Ховос» ҳудудида жойлашган эди. Мазкур ташкилотнинг ташландиқ ётган жойини фирма учун ажратиб беришди. Орадан кўп ўтмай қишлоқдагина эмас, балки туман ва унинг атрофида ягона бўлган ёғ ишлаб чиқариш хусусий корхонаси иш бошлади. Унга «Мадад» дея ном бердилар. Чунки хусусий корхона бунёдкорларининг мақсадлари — иқтисодий ислоҳотлар даврида ҳамқишлоқларининг оғирларини енгил қилишда имкон борича мадад беришдан иборат эди.

Фирма иш бошлаган ўша йили дастлабки хом ашёлардан жами 10 тоннага яқин мой ишлаб чиқарди. Келгуси йили эса 40 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Бу йил ҳам «Мадад» фирмаси жамоаси баъзи қийинчиликларга қарамай туман меҳнат аҳлига камида 40 тонна ёғ етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

— Қўшни зафарободликларнинг бир хайрли ишларидан воқиф бўлдик, — дейди Шодмон ака, — улар яқинда Германияда ишлаб чиқарилган ускуналарни олиб келиб ўр

Боқий шажара

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР

Давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳарбий сиёсат

(Ўн еттинчи мақола)

1

АМИР ТЕМУР даври ва темурийлар замони давлатчилик сиёсати, бошқарув тизимини кўриб чиқар эканмиз, давлат, давлатчилик моҳиятида муайян бир макон ва жамиятнинг турли имкониятларини шу ерлик халқ манфаати йўлида юзга чиқарувчи ташкилотчилик ётганини яна бир бор эслатиб ўтмоқ ғоятда муҳим. Зеро, давлат асослари, давлатчилик ҳар бир жамият ва халқ «бошига бир марта битилган бўлади».

Шу маънода шоҳиди бўлганимиздек, ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги биринчи минг йилликларнинг биринчи ярмидан ўз тарихини бошлаб то Амир Темур давлат тепасига келгунга қадар икки минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтганди. Бу улкан давр ичида давлат бошқарувига турли сулолалар (бугунги тилда айтганда сиёсий партиялар) келиб кетди. Уларнинг фаолияти турли замонларда, турфа объектив-субъектив шарт-шароитларда турлича кечди. Биз мазкур масалага яна қайтаётганимизнинг бир неча сабаби бор.

Биринчидан, биз Амир Темур давлати, темурийлар давлати каби кенг тарқалган тушунчаларга қаршимиз. Зеро, таъкидлаганимиздек, **давлатчилик асослари ягона бўлади. Демак, Амир Темур давлати эмас, ўзбек давлатчилигининг ёки Ўзбекистон давлатининг Амир Темур бошқарган босқичи дейилса, ҳар тарафлама ҳақиқатга мос тушади.** Иккинчидан, Амир Темур давлати тушунчаси давлатчилигимизнинг ҳам унгача бўлган, ҳам ундан кейинги тараққиёт йўлини бир биридан узиб қўяди, (бу фикр бошқа сулолавий «давлат»ларга ҳам тегишли, албатта). Бу ўз ўрнида бир томондан тарихни сохталаштирса, иккинчи томондан, давлатчилигимиз тарихидаги босқичий жараёнлар, масалан, яна ўша Амир Темур даври моҳиятини англашни қийинлаштиради. Зеро, ҳатто соф илмий нуқтаи назардан олганда ҳам мушоҳада жараёнда қузатилгандагина тўлиқланади, хулоса учун имкон яралади. Учинчидан, биз ўзбек давлатчилиги моҳияти ва имкониятлари ҳақида қанча сўзламайлик, агар унинг амалий ифодасининг гувоҳи (бугунги кун нуқтаи назаридан эса қурувчиси) бўлмас эканмиз, гап-гаплигича қолаверади. Шу маънода Амир Темур даври умуман давлатчилигимиз моҳияти ва имкониятлари қўламини амалда юзага чиқариб берганлиги билан ҳам ғоятда муҳимдир (албатта ўз даври шароитида).

Шундай қилиб Амир Темур даврига қадар ўзбек давлатчилиги 2000 минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган экан, шунга кўра биз биринчи хулосани қилишимиз мумкин: Амир Темур даври давлатчилик тизими муайян бир ўтмишга, анъаналар, тажрибалар, сабоқлар, қонуниятларга асосланган ҳолда ташкил қилинган. Шу ерда ҳақли савол туғилади: бу ўтмиш йўл қонуниятлари, тажрибалари, яъни давлатчилик асослари нималарда ўз аксини топганди ва Амир Темур давлатимизга раҳбарлик қилган йиллари уларга қандай муносабатда бўлинди? Саволни шу тарзда қўйиш ниҳоятда муҳим. Зеро, бизнинг тушунчамизда давлат арбоби, сиёсатчи салоҳияти (ва бундан келиб чиқадиган бўюклиги) энг аввало унинг давлатчилик асосларини нечоғлик теран англаб олиши ва амалда унга риоя эта билиши билан белгиланади. Бу ғоятда оғир вазифадир. Унинг машаққати шу даражадаки, давлатчилик борасида янги кашфиёт қилмоқ ундан осонроқдир.

Ўзбек давлатчилигининг Амир Темур даврига қадар шаклланиб замонлар синовидан ўтган асослари қўйидагилар:

1. Давлат ўз функциясини бажармоғи учун энг аввало сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши керак;

2. Давлат ва жамият сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги керак;

3. Давлат ва жамият муайян бир қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилмоғи лозим;

4. Бошқарувнинг турли табақалари, йўналишлари, соҳаларини мувофиқлаштириб турувчи маълум бир тизим шаклланган бўлиши даркор;

5. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволи (тараққиёти) давлат диққат марказида турмоғи керак;

6. Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш давлат аҳамиятига молик қатъий сиёсат сифатида қаралмоғи лозим;

7. Ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёда мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда ҳам ҳал этиб бориши даркор;

8. Давлат тепасида турган кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, қатъий иймон, ғоятда юксак маънавиятпарварлик ва миллатпарварлик ила англамоғи керак.

Мазкур саккиз асос қонуният сифатида шаклланиб бўлганди. У ёки бу замонда улардан фойдалана билинганлик ё йўқ — бу бошқа масала. **Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган буюк ўрни шундаки, у ўзининг бутун фаолияти мобайнида ана шу асосларни рўёбга чиқара олди.** Яъни 150 йиллик қарамликдан сўнг давлат сиёсати мустақиллигини тиклади; мамлакат ва минтақани бирлаштирди; ўз даврида мавжуд шариат, туро, тузуклар асосида жамият ҳуқуқий ҳаётини бошқаришни йўлга қўйди; марказлашган давлат тизимини яратдики, ўз замонаси учун бу дунё миқёсидаги тараққийпарвар воқеа ҳисобланганди; иқтисодий мунасабатлар (деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ) ривожи учун барча ички ва ташқи шароитларни барпо этишга қаттиқ киришди; ижтимоий муносабатларни (солиқ тизими, мулкчилик, турли ижтимоий табақалар манфаатини назарга олиш ва ҳоказо) муҳим деб билди; ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан то умрининг охиригача фан ва маданият равнақига алоҳида диққат билан қаради; ўз даври шарт-шароитига кўра ташқи сиёсатда қатъий ва фаол ҳамда мақсадга мувофиқ равишда ҳаракат қилиб давлатни салтанат мавқеига олиб чиқди. Ўлкани дунёнинг энг буюк сиёсий, иқтисодий, маданий марказга айлантирди; шулар асосида якка ҳукмдорлик мазмуни етган феодал жамият бошқарувида биринчи раҳбар қандай бўлиши кераклигини намоён этиб кетди.

Шу билан бирга Амир Темур мазкур саккиз асосни яна ўта муҳим тўққизинчи асос билан бойитди. У ҳам бўлса жамият ривожида барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ва манфаатларини таъминлаш. Амир Темур назарида бундай табақалар 12 та бўлиб, уларда жамиятнинг тамом таркибий қисмлари ўрин олган. Диққатга сазовор томони шундаки, тузуклар баёнида Амир Темур табиий равишда дин ва шариатни биринчи даражада таъкидлаган ҳолда ижтимоий табақаларга бўлган муносабатни бошқа йўналиш ва масалалардан устун қўяди.

Демак, Амир Темур даврида давлатимизнинг тўққиз асоси ўз ижобий ечимини топган ва худди мана шу тўққиз асос соҳибқирон юритган давлатчилик сиёсатининг тўққиз томонини ташкил этади. Олдинги мақолада давлатнинг сиёсий мустақиллиги ва мамлакат яхлитлиги борасида Амир Темур олиб борган фаолият билан қисқача танишиб ўтдик. Қуйида унинг давлат бошқаруви, қонунчилик ва ҳарбий сиёсат борасидаги ҳаракатларини лўнда тарзда ёритишга уриниб кўрамиз.

Чингизийларнинг ўлкадаги ҳукмронлиги барча соҳалар тараққиётида салбий асорат қолдиргани ҳақида сўз айтдик. Давлат бошқаруви соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Умуман бошқа шарт-шароитда шаклланган сиёсий дунёқараш ва тарбия чингизийлар намояндалари учун маҳаллий бошқарув анъаналарини қабул этишга йўл бермасди ҳисоб. Шу сабабдан ҳам биз аввалги мақолаларда кўрган—давлатчилигимиз бошқарувидаги кўп асрлик тажриба ва анъаналар (масалан, даргоҳ ва вазирликлар тизими) чингизийлар ҳукмронлиги замонида амалда ўз давомийлигини топа олмади. Агар бу давр бир ярим аср кечгани назарда тутилса шу соҳадаги аҳвол нечоғлик оғирлашиб қолгани маълум бўлади. **Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида қилган катта хизматларидан бири шундаки, у 150 йиллик узоқ бир давр ўтиб, шунинг орасида одатлар, анъаналарда каттадан-катта ўзгаришлар содир бўлганига қарамай, қадимдан мавжуд бўлиб келган ўзбек давлатчилиги бошқарув тизимининг (биз ҳатто илмининг деган бўлардик) классик намуналарини қайтадан тиклай билди.** Ниҳоятда мушкул бўлмиш бу вазифани у донолик билан ҳал эта олди.

Демак Амир Темур даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва вазирликларга бўлинган. Даргоҳ-энг олий давлат идораси. Унинг бошлиғи ҳам табиий равишда давлатнинг олий ҳукмдори. Амир Темур давлат тепасига келгандан сўнг чингизийлардан бўлмиш Суйурғатмишни хон, яъни олий ҳукмдор деб эълон қилгани маълум. Шу билан бирга Суйурғатмиш «соҳта хон»мавқейида бўлиб амалдаги ҳокимият соҳибқирон ихтиёрида мужассамланганини ҳам биламиз. Нима учун шундай ўзига хос қарама-қаршилик юзага келганди,-деган савол туғилади. Чингизийларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги мамлакат ҳаётида катта таъсирга эга бўлганини таъкидлаган эдик. Сиёсий муносабатлар, қарашлар, одатлар жамиятнинг энг қайноқ соҳаларидан бири сифатида янгилик ва ўзгаришларга бой бўлади. Масалан, улус раҳбарининг биёбондан қароргоҳ қилишини олайлик. Мамлакатимизда асрлар давомида давлат раҳбарлари шаҳарларда даргоҳ қуришлари қанчалик табиий бўлиб келган бўлса, чингизийлар даврида аксинча хон биёбондаги қароргоҳда туриши керак, қабилидаги ақида сиёсий муҳитга қаттиқ сингиб кетганди. Шунга ўхшаш ўзгаришлардан бир қанчаси мазкур бир ярим асрлик жараёнда жамиятда ўз ўрнини топиб олганди. Гап уларнинг тўғри-нотўғри эканида эмас. Муҳими, Амир Темур давлат тепасига келган пайтда улар жамият ҳаётидаги воқеликни ташкил этарди. Соҳибқироннинг буларни назарда тутмасдан иложи йўқ эди. Иккинчи томондан 1370 йили мамлакатда Амир Темурдан бошқа ҳам яна бир қанча қудратли амирлар, уларни қўллабқувватловчи ижтимоий-сиёсий кучлар бор эди. Улар ҳам зимдан ё очиқчасига мустақил сиёсат юргизиш, ҳатто олий тахтни эгаллаш ниятида бўлганлар. Бундай шароитда Амир Темур ўзини расман хон деб эълон қилолмасди. Чунки бу рақибларга баҳона бўлиб, норозилик ва хуружларга туртки бўлиши турган гап эди. Зеро, худди шу йиллар таомилига кўра сиёсий ҳокимият чингизийлар хонадони ихтиёрида бўлиши керак эди. Учинчи томондан, Суйурғатмиш хон деб кўтарилган, ҳали Амир Ҳусайн масаласи ҳал бўлмаганди, аниқроғи, ҳал бўлиш арафасида турганди. Амир Ҳусайн эса ўз вақтида, таъкидланганидек, Қобилшоҳни, сўнг Одил Султонни расман хон деб эълон қилганди. Демак, Амир Темур томонидан Суйурғатмишнинг хон деб эълон қилиниши Одил Султон «хонлиги»ни, яъни Амир Ҳусайн ҳукмдорлигини бекор этиш билан баробар ҳисобланарди. Ҳуллас, мазкур масала ўша замон воқелигидан келиб чиқиб Амир Темур ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган. Соҳибқирон учун муҳими ҳам асли шу эди. Амир Темурнинг чингизийлардан бўлмиш Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хонимга (1341-1408) уйланиши, яъни хон авлодига қуёв (кўрагон), қариндош бўлиши ҳам унинг сиёсий мавқеини расман бўлса-да мустаҳкамлашга хизмат қилган. Бундан ташқари Чиғатойхоннинг амирларидан Қарочор барлос Амир Темур аждоди эканлиги ва у ўз вақтида Чиғайтойхоннинг улуғ амири сифатида ўлкани бошқаргани (Шомийнинг ёзишича, гўё «Чингизхон Чиғатойни Қарочорга топширган»), ҳақидаги ярим ҳақиқат, ярим афсона ҳам таомилга киритилган. Ярим ҳақиқатлиги шундаки, Чиғатойнинг Қарочор барлос номли мингбошиси бўлган. Аммо ишончли манбаларда унинг хон номзоди сифатида мамлакатни бошқаргани ҳақида сўз йўқ. Шу маънода Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида келтирилган Амир Темур аждодларига оид шажара ғирт афсона ва тўқимадир. Зеро унга кўра гўё Амир Темур уруғи Чингизхон уруғи билан амакиваччa эмиш. Бу ҳеч бир ҳақиқатга тўғри келмайди ва уни исботловчи бирон-бир тарихий маълумот йўқ. Шунга қарамай баъзи ҳолларда Амир Темур шахси ва фаолиятини ва демак, ўзбек халқи тарихи ва маданиятини камситишга уринувчилар мазкур афсонадан «унумли» фойдаланадилар. Яъни Амир Темурни Чингизхон ва мўғуллар билан боғлаб кўрсатишга уринадилар.

Демак, даргоҳ бошида амалда Амир Темур турган. Мамлакат ва давлат аҳамиятидаги масалалар унинг ҳукми ва кўрсатмаси асосида ҳал этилган. Шу билан бирга даргоҳда вақти-вақти билан хос мажлислар ўтказилиб турилгани маълум. Бундай мажлисларда давлат ва мамлакат идораси, содир бўлаётган ўзгаришларга муносабат, муҳим мансаб ва вазифаларга тайинлаш каби жиддий масалалар кўриб чиқилган. Бундай тадбирлар ғоятда тор доирада ўтказилиб, давлат аҳамиятига молик масалаларнинг четга аён бўлишидан ниҳоятда сақланилган. Чунончи махсус котиб мажлис баёнини махсус дафтарга туширби борган. Афтидан кейинги мажлисда ана шу асосида илгари қабул қилинган қарорлар, турли чоралар натижалари текшириб борилган.

Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлар, маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечган жараён билан боғланиб туриш ишини олий девон олиб борган. Даргоҳ тизимидаги бу девонга девонбеги бошчилик қилган. Олий девоннинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд бўлганки, манбаларда баъзан уни даргоҳ билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Олий девонда ҳар куни тўрт вазир, яъни ижроия идораларидан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб ўзига хос равишда ҳисобот бериб турганлар. Афтидан бунда вазирликлар тегишли кўрсатмалар ҳам олиб турган бўлишлари керак. Сарҳад ва бошқа тобе мамлакатлар бошқаруви билан боғлиқ яна уч вазирлик ҳам девонбегига ҳисобот бериб келганлари маълум.

Даргоҳдаги муҳим вазифалардан бири бу арзбегидир. Унинг хизмати даргоҳда арз-дод, шикоят билан келганлар ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириб тушган арзлар, шикоятлар, таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туришга масъулликдан иборат эди. Бундан ташқари даргоҳда адолат амири лавозими мавжуд бўлиб, у турли ўлка ва шаҳарларда «сипоҳ ва раиййат орасидаги урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида» бохабар бўлиб, олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумот етказиб турган. Демак жойлардаги ахволдан бохабар бўлиб туришнинг икки йўлидан фойдаланилган: бири пастдан юқорига, яъни арзчилар тўғридан-тўғри даргоҳга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлганлар, иккинчиси — махсус хизмат орқали жойлардаги вазият давлат томонидан, аниқроғи олий ҳукмдор даргоҳи орқали текшириб борилган. Мана шу икки йўл билан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, тартибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар ҳақида рўй-рост маълумот олингач, сўнг махсус вакиллар — аминлар (яъни ишончли вакиллар) жойларга бориб воқеани ўрганиб тегишли чоралар кўрганлар. Чунончи бирон кишига нисбатан зулм, адолатсизлик қилинган бўлинса, адолатни тиклаб ўша ер маҳаллий хазинасидан уларга тўлов ажратиб қайтганлар. Аминлар ўзлари тафтиш қилган ишлари, кўрилган чоралар ҳақида кейин ёзма ҳисобот берганлар.

2

Даргоҳдаги муҳим лавозимлардан яна бири тавочидир. Тавочи олий фармонга кўра жойларга бориб ҳарбий юриш учун лашкар тўплаш билан шуғулланган. Бу вазифа ғоятда муҳим аҳамият касб этгани учун Шарафиддин Али Яздий муболаға билан уни олий ҳукмдорлик кейинги юқори даражадаги давлат мансаби деб баҳолайди. Албатта бундай таърифда ҳам жон бор. Зеро лашкар тўплашни қуруқ фармон етказиш деб тушунмаслик керак. Маълумки, тобе ўлкалар, авлодлар, нуфузли амирларга тақсим қилиб берилган юртлар олий кўрсатма бўлганда тегишли ҳарбий куч билан хизматга шай туришлари кўзда тутилган. Тавочилар эса худди шу аввал бошдан белгиланган лашкар сонининг тахт бўлиши, тайёргарлик даражаси, таъминоти кўнгилдагидек талабга жавоб бериши, кўрсатилган жойга муайян йўл билан ўз вақтида етиб бориш каби ғоятда масъулиятли тадбирларга жавобгар бўлганлар. Шу билан бирга тавочи ҳарбий юриш чоғида қўшинларнинг жойлашуви, берилган буйруқларнинг ижро этилиши ҳамда тинчлик пайтларида катта қурилишларда иш тақсимлаш кабилар билан ҳам шуғулланган.

Даргоҳда шунингдек, бош ҳожиб, ҳожиблар, расмий тадбирларни бошқарувчи ва ташкилотчилари, хазинадор, хонисолар (даргоҳда ва олий фармон билан бошқа ерларда, масалан, юришларда ўтказиладиган тўй, базмлар, катта зиёфатларда стол тузатишга бош-қош бўлувчи),жибочи (қурол-аслаҳа сақловчи), қушчи (подшоҳона овлар уюштирилганда махсус ўтгатилган ов қушларини олиб юрувчи ва парвариш қилувчи) ва мана шу хизматни бошқарувчи қушбеги, баковулбоши (сарой ошпазларининг бошлиғи), котиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, ғазалхонлар, фаррошлар каби катта-кичик вазифалар, таблхона (ноғархона), дорихона каби хизматлар бўлгани маълум.

Ижроия тизими юқорида айтилганидек, марказда вазирликлар фаолиятида мужассамлашган. Алоҳида таъкидлаш керакки, 150 йиллик чингизийлар ҳукмронлиги даврида маҳаллий бошқарув тизими анъаналари поймол қилинган бир шароитда Амир Темур биз Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар замонида шоҳиди бўлганимиз ижроия ҳокимиятининг вазирлар тизимини қайтадан жонлантира олди. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида қилган катта хизматларидан бири ҳам шунда. Яъни **у бир неча асрлар давомида шаклланиб келган давлатчилигимиз ижроия тизимидаги классик намуналарни тиклай олди. Бу ниҳоятда қадрли ва тарихий хизматдир.**

Энди тўғридан-тўғри вазирликларга ўтсак.

Биринчи — мамлакат ва раиййат вазири. У мамлакатнинг муҳим ишлари, кундалик муомалалар, халқ аҳволи, вилоятларда олинадиган ҳосил, солиқлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимлар, ободончилик ишлари, аҳоли фаровонлиги, хазина аҳволи каби муҳим юмушларга жавобгар бўлган. Мазкур масалалар юзасидан олий ҳукмдорга тегишли маълумот ва ҳисоботлар бериб турган. Агар мазкур вазирлик функциясини олдинги давр ижроия тизими билан таққосласак, у ҳолда сўз бу ерда бош вазир ҳақида кетаётгани маълум бўлади.

Иккинчи — ҳарбий вазир. У ҳарбийларнинг маоши, алоҳида хизматлари учун уларга туҳфа қилинган ер-сувлар бошқаруви, яъни назорат ва қайд этиш маъносида, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий кўрикларни тайёрлаш, жангларда ярадор бўлиб хизматга яроқсиз бўлганларга нафақа тайёрлаш, истеъфога чиққан ҳарбийлар тўғрисида қайғуриш каби масалалар билан машғул бўлган.

Учинчи — мулкчилик ва солиқ ишлари вазири. Бу вазирлик турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни назоратга олиш, савдогарлардан (бу ерда асосан ташқаридан келувчи ва ичкаридан кетувчи савдогарлар назарда тутилган) закот ва бож олиш, мамлакат чорвалари ва уларнинг ўтлоқ-яйловларини бошқариш, уларнинг барчасидан тушадиган даромадларни сақлаш, мулкчиликдаги меросхўрлик тартибларини амалга ошириш (масалан, ғойиб бўлганлар, ўлганларнинг мулкини ворисларига топшириш) каби вазифаларни амалга ошириб келган.

Тўртинчи — бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинаётган барча харажатлар ҳисобини олиб борувчи молия вазирлиги. «Темур тузуклари»да молия вазири масъулиятига тегишли диққатга сазовор бир тузук бор: «Молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб (ҳазинадан бирон маблағни) ўзлаштириб олган бўлсалар, (аввал текшириб кўрилсин). Агар ўзлаштириб олинган маблағ ўзига тегишли улуфа (яъни маош — А. З) миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совға-инъом ўрнида берилсин. Агар ўзлаштириб олинган маблағ маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиги оладиган маошидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баробар кўп маблағ олган бўлса, ҳаммаси (салтанат хазинасига) тортиқ сифатида олинсин».

«Темур тузуклари»да мазкур тўрт вазирликдан ташқари яна уч вазир ҳақида сўз кетиб, улар мамлакат таркибидаги турли ўлка ва мамлакатларга оид молиявий муомалалар ва келадиган даромадларни бошқарганлар. Агар салтанат ҳудуди ва унга кирган сарҳадлар қўлами назарга олинса, ҳақиқатан ҳам у ерларда молия-даромад ишларини ташкил қилиш учун уч вазирлик таъсис этилишини асосли деса бўлади.

Саккизинчи вазирлик бу адлия вазирлигидир (девони мазолим). Кези келганда шуни алоҳида қайд этмоқ керакки, бу вақтда адлия, яъни суд тизими учга бўлинган эди. Адлия вазирлиги тўғридан тўғри фуқаролар ё манба тили билан айтганда дунёвий ишлар билан шуғулланган. Ҳарбий суд (лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса алоҳида — ислом қозиси шуғулланган. Кўриб турганимиздек, бу соҳада ҳам Амир Темур даврида илгариги анъаналар давом эттирилган. Суд тизимидаги тақсимот эса бизларда бир неча асрлар муқаддам амалга ошиб келганини мазкур давр мисолида ҳам мушоҳада қилса бўлади. Қонун, ўша замон тартиблари олдида жавобгарлик барчага баробар бўлган. Масалан, Амир Темурнинг набираси Пирмуҳаммад (1379-1410) ўз қилмиши учун девони мазолимда қаттиқ сўроқ қилиниб, айби аниқланганч шунга яраша жазо берилгани ва бу ҳақда шахсан Амир Темурнинг ўзи фармон бергани тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Илгариги сулолалар даврида кўрганимиз **вақф ишлари вазирлиги** хизмати Амир Темур даврида садрлар садрига (садрлар бошлиғи) юклатилган. Гарчи вазирлик тизими маъносида тилга олинмасада, аммо мазкур хизмат моҳияти сақланиб қолган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки вақф мулкчилиги сақланганди.

Шунга ўхшаш ўтган замонларда таъкидланган **хабар ва почта вазирлиги** шаклан тилга олинмасада, аммо мазмунан бу вақтда ўзининг энг юксак равнақ даражасига кўтарилганди десак тўғри бўлади. Зеро улкан салтанатни мақсадга мувофиқ равишда бошқариб боришда унинг турли бурчакларида содир бўлаётганлардан бохабар бўлиш, марказдан буйруқ, фармон, кўрсатмалар жўнатиш, марказга турли ҳужжат, ҳисобот ва ҳоказоларни етказиш, ташқи сиёсий-дипломатик муносабатларни пухта ва тезкор равишда йўлга қўйиш каби юмушларни катта салоҳият ва ғайрат билан амалга оширишга тўғри келарди. Ўз ўрнида бу борадаги тадбирлардан савдосотиқ муносабатлари нечоғлик ютишини тасаввур қилиш мумкин. Гапнинг қисқаси, хабар ва почта хизмати аҳамиятини аввал бошданоқ яхши тушунган Амир Темур ўзининг дастлабки фармонларидан бирида уни йўлга қўйиш ҳақида кўрсатма бергани маълум. Ўша замон гувоҳларидан бирининг ёзишича, бутун салтанат узра бир кунлик йўл оралиғидаги ҳар бир масканда ёмхоналар бино этилган бўлиб, уларда 50 тагача от-улов сақланган, махсус хизматчилар фаолият кўрсатган. Бу юмушларнинг бари давлат хазинасидан таъминланган. Даргоҳдан ё даргоҳ томон жойлардан хизмат юзасидан йўлга чиққан ҳар бир шахс ё гуруҳ мазкур ёмхоналарда тўхтаб дам олиб, отларини алмаштириб яна йўлида давом этаверган. Ҳайратга соларли томони шундаки, улкан салтанатнинг ҳар бир бурчагидан Самарқанд томон йўналувчи йўлда шу тартиб жорий қилинганди. Ҳатто аҳоли турмайдиган ерларда ҳам ёмхоналар ишлаб турган. Масалан, испаниялик элчилар Табриздан (ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбидан) Самарқандгача бўлган сафар чоғида бундай тартибни ўз кўзлари билан кўрганлар. Тартиб ғоятда қатъий бўлган экан. Масалан, мазкур хизматдан фойдаланаётганлар минган от йўлда, ёмхоналардан йироқда яроқсиз бўлиб қолса, йўлда учраган отлиқнинг, ким бўлишидан қатъи назар, амирми, ҳарбийми, ҳатто олий ҳукмдорнинг ўғлими, отини олиб миниб кетишга ҳақли бўлган. Бир сафар шундай ҳолатда Амир Темурнинг катта ўғлининг отидан фойдаланган эканлар. Давлат юмушларига шунчалик масъулият билан қаралган.

Амир Темур ва умуман темурийлар даврида ташқи сиёсий-дипломатик алоқалар изчил равишда олиб борилганини биламиз. Албатта бунда тегишли давлат муассасаларининг роли бўлгани табиий. Бундан ташқари аввалги мақолаларда биз ташқи алоқалар, ёзишмалар бўйича ижроия ташкилотлари ишлаб келганини кўрганмиз. Клавихонинг айтишича эса Самарқандда элчилар билан шуғулланувчи махсус амирлар хизмат қилгани, элчиларни кутиб олиш, кузатиш билан боғлиқ тадбирларни уюштиришга оид тарихий гувоҳликларни инобатга олиб хулоса қилиш мумкинки, ташқи алоқалар, элчилар, халқаро ёзишмалар билан шуғулланувчи хизмат бўлган. Афтидан бу хизмат ижроия тизимида эмас, даргоҳ таркибида фаолият кўрсатган.

Хоҳ даргоҳ, хоҳ ижроия тизими бўлсин, давлат хизматлари қандай пухта ва аниқ ишлаганини Клавихонининг қўйидаги гувоҳлигидан билиб олиш мумкин. Ҳар бир маслаҳатчи, яъни йирик амалдор ўз битикчиси ва қайд дафтарига эга экан. Битикчилар ўз бошлиқлари кўрсатмасига мувофиқ турли ҳужжатлар, масалан ёрлиқлар ёзиб тайёрларканлар албатта бу ҳақда қайд дафтарига ёзиб ёрлиққа тегишли белги (рақам) қўйғанлар. Кейин эса ёрлиқ йўриқчига топширилиб у унга муҳр босган ва мазкур масалага дахлдор хизматларга юборган. Хуллас ҳужжат яна уч-тўрт амалдор назоратидан ўтиб уларнинг муҳрлари босилгандан сўнггина олий ҳукмдор муҳри урилган. Шундан сўнг бу ҳужжат қонун кучини олган.

Икки оғиз давлат хизматчилари ҳақида. Доим бўлганидек, давлат хизматига олинадиганларга талаблар катта қўйилган, улар ўқимишли, кенг билимли ва дунёқарашли, ҳалол бўлишлари керак эди. Бу борада Амир Темур ўз «Тузуклари»да шундай ёзади: «Амр қилдимки, вазирлар тоза насллик, ақл-фаросатлик, халқ аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик, сабр-чидамлик ва тинчсеварлик» бўлмоғи керак. Бундайларга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин. Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, деб давом этади соҳибқирон, уни вазириқдан туширишлиги лозим. Наслию зоти ёмон, ҳасадчи, гина-кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуқи, ҳора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди».

Маҳаллий бошқарув ҳақида сўз кетса, аввало шуни қайд этиш керакки, салтанатни одатда ҳукмрон сулола намояндалари ва шу хонадон таянчи бўлмиш ҳарбий-сиёсий кучлар ёрдамида идора этилишини кўп бор кўрдик. Темурийлар даври ҳам бундан мустасно эмасди. Табиий равишда Амир Темур салтанатни бошқаришда энг аввало ўз ўғиллари ва авлодларига суянди. Чунончи у салтанатни бир қанча улусларга тақсимлаб Мовароуннаҳр яхлитлигини дахлсиз қолдирган ҳолда бошқарди. Ҳар бир улуснинг ҳам ўзига яраша даргоҳи ва вазирлари бўлган. Аммо марказий бошқарув тизимидаги каби кенг тармоқли бўлмай, муайян ҳудуд доирасида, олий даргоҳ ва ижроия тизими олдида жавобгарлик ҳолатида фаолият кўрсатган.

Алоҳида хизматлари учун йирик амалдорлар, ҳарбийлар, дин пешволари ҳамда бўйсундирилган ўлкаларнинг собиқ ҳукмронларига шахсий хизмати ва шароитга муносиб равишда бирон ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман) тортиқ (суйюрғол) қилинган. Масалан, Амир Темур ўз пири Саййид Баракага Андхудни тортиқ қилгани маълум. Ана шундай ҳолларда «Тузуклар»да ёзилишича, ҳар бир суйюрғол қилинган вилоят ё мамлакатга иккитадан вазир тайинланган. Бири йиғиладиган солиқларни қайд этиб, аҳоли аҳволидан бохабар бўлиб туриш, иккинчиси эса йиғиладиган даромадлар қай тарзда харж қилинаётганини ҳисобга олиш, шу ерда мавжуд ҳарбий қисмларга бериладиган маош тақсимоти билан шуғулланиш кабилар билан банд бўлган. Фараз қилиш мумкинки, мазкур вазирлар орқали марказий жойлардаги молиявий, солиқ, ижтимоий ҳолат масалалари бўйича тўғридан-тўғри маълумот олиб турган. Афтидан бу вазирлар юқорида тилга олинган марказий ижроия тизимидаги сарҳадлар бўйича уч вазирлик назорати ва ҳамкорлигида фаолият кўрсатган. Суйюрғол ерларига махсус вазирларни тайинлашнинг амалий томони бўлгани шубҳасиз. Зеро суйюрғол эгалари ўзларига тортиқ қилинган жойлардаги аҳолидан олинадиган давлат солиқларини тўлалигича ё маълум бир улушини ўзларига олишлари назарда тутиларди. Бу борада меъёрдан чиқиш, ижтимоий кескинликка сабаб бўлувчи ишларга қўл уриш, умуман салтанат қудратига путур етказиши турган гап эди. Шунинг учун ҳам марказ жойларда ўз вакилларига эга бўлгани табиий.

Шаҳар, туман миқёсидаги бошлиқлар доруға, қалъа бошлиғи кутвол дейилганини эслатиб ўтиш жоиз.

Энди кўрилаётган даврда қонунчилик, жамият ва давлат бошқарувидаги қонун ва тартиблар ҳақида тўхталиб ўтсак. Темурийлар, хусусан, Амир Темур даври қонунчилигини ёритишда унинг «Тузуклари» ғоят қўл келади. «Бу тузуклардан, деб ёзади муаллиф, (келажакда) ўз салтанати ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдаланғайлар». Демак «Тузуклар»ни ёзишдан мақсад жамият ва давлат бошқарувида зарур ҳисобланган қонун-қоидалар, яъни тузуклар, мажмуйини яратиш бўлган. Агар ундаги баъзи бир қайтаришлар, муаллиф кечинмалари, шахсий мулоҳазалари ва «лирик кечинмалар»ни олиб ташласак, ихтиёримизда ўша даврнинг асосий қонунлари (қонунчилиги) мажмуи гавдаланиши турган гап.

Умуман давлатчиликнинг ўрта асрларга хос, хусусан ўзбек давлатчилиги тарихида давлат тепасида турган биринчи шахсга жуда кўп нарса боғлиқ бўлганини биламиз ва бунинг исботини ўтган сулолалар фаолияти баёнида кўриб келдик. Ҳар бир жамият ўзига муносиб ё ўзи муносиб бўлган ҳукмдорга эга бўлади, деган ҳикмати ҳам худди ўша замонлардан қолган ва ўша замон воқелигини акс эттиргани, шубҳасиз. Шу маънода Амир Темур даври қонунчилиги нафақат унинг шахсияти, балки ўша жамият дунёқараши, одатлари, талаб-имкониятлари кабилар билан ҳам боғлиқ бўлгани аниқ. Масалан, «Тузуклар»да Амир Темур бир неча жойда «сипоҳ ва раиййатни умид ва қўрқув орасида сақладим» фикрини беради. Худди шундай — фикрини! Бу унинг фикри, яъни ўз фаолияти ва ҳоҳишлари орқали жамият ҳаёти ва ниятларига берилган баҳоси. Ваҳолонки ҳар қандай жамият ва шахс доимо умидда яшайди. Маъсулиятни эса ҳамма вақт ҳам сезавермайди. «Қўрқув» деганда Амир Темур худди ана шу масъулият ҳиссини назарда тутган, аммо таърифда эса ўз замонасига яраша тушунганини ишлатган. Юқорида биз алоҳида таъкидлаган давлатчилигимиз асосларига Амир Темур томонидан сингдирилган тўққизинчи асос — барча ижтимоий табақалар фаолияти ва манфаатларини назарда тутиш — ўша замон қонунчилигининг бош бўғинини ташкил этган бўлса, «умид ва қўрқув», яъни масъулият ва ҳоҳиш эса унинг икки палласи ҳисобланган.

Амир Темурнинг қўйидаги сўзларига эътибор берайлик

Спорт

НИЯТ ХОЛИС, МУРОД ҲОСИЛ

БОКС БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ





Албатта олимпиадани ҳамма орзу қилади. Шунинг учунми, олимпиада ғолиби бўлиш шарт эмас, олимпиадачи бўлишнинг ўзи катта фахр деган мулоҳазалар юради. Зеро, олимпиада энг йирик спорт анжумани саналади. Тошкентда бир ҳафта давом этган Осиё бокс чемпионати иштирокчилари ҳам қандай бўлмасин олимпиадага бориш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўзларининг бор имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга астойдил интилдилар. Осиёнинг 19 мамлакатидан келган 150 га яқин боксчи аёвсиз курашда маҳорат кўрсатди. Зеро, курашни охиригача, яъни финалгача давом эттириш ҳар кимга ҳам насиб этмади. Кўплаб боксчилар дастлабки нимчорак баҳсларидаёқ ўйиндан чиқиб қолишга мажбур бўлдилар. Курашнинг иккинчи босқичи — чорак финалга чиқиб, ярим финални кўзлаганларга ҳам осон бўлмади. Чунки ярим финалга чиққан боксчи мусобақада қуруқ қолмаслиги ҳаммага маълум. Сирасини айтганда, бу борада Қозоғистон ва Ўзбекистон боксчилари ўзларини кўрсатдилар.

Мухлислар таъбири билан айтганда Тошкент мусобақасида қозоқ оғаларимизнинг кўчасида байрам бўлди, дейиш мумкин. Тан олиш керакки, қозоғистонлик боксчилар ҳар жиҳатдан етук ва жисмоний баркамол эканликларини амалда кўрсатдилар. Бўлмаса мусобақага 12 вазн тоифаси бўйича ўз вакилларини олиб келган қозоғистонликлар финалда етти нафар бўлиб олтин медални кўзлашармиди. Мутасадди-мутахассисларнинг мулоҳазаси билан айтганда бу жуда катта ютуқ. Мезбонлар — Ўзбекистон боксчилари эса маълумки ярим финалда олти нафар бўлиб туришганди. Финалга чиқиш чоғида улардан яна иккитаси имкониятни бой берди. Шундай қилиб, тўрт боксчимиз Осиё чемпиони бўлиш учун баҳслашди.

Хўш, бу тўрт нафар боксчимиз ҳал қилувчи учрашувни қандай ўтказди, деган саволнинг туғилиши табиий. Ростига кўчадиган бўлсак, имкон қадар ишончни оқлашга интилдилар. Бундай дейишимизнинг боиси олдинроқдан хулосамизни айтадиган бўлсак, Ўзбекистон боксини яна да ривожлантириш, маҳоратни ошириш йўлида яна анчагина ишлар қилиниши лозимлиги кўзга ташланди. Бўлмаса 12 нафар бўлиб мусобақага киришган йигитларимиздан бор йўғи тўрт нафари финал юзини кўрмасди.

60 килограмм вазнли Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг курашиш усули чакки эмас. У финалгача дадил етиб келди. Ҳал қилувчи учрашувни мўғул Ютимен Туменсетсег билан ўтказди. Биринчи раунд синовчан ҳаракатларга бой бўлди. Танаффусдан кейин кучлар тенг келди, дейиш мумкин. Якунловчи раундда эса мўғул йигитининг

бир-икки бор аниқ зарблари Муҳаммадқодир учун қимматга тушди. Чунки ҳакамлар 15:12 ҳисобни Ютимен номига ёзишганди. Зотан Наримон Отаевнинг номи машҳур бўлиб кетди. У рингга кўтарилганда томошабинлар зални ларзага солгудек ҳайқириққа тўлдириб юборишди. Наримон ҳам шунга яраша маҳорат кўрсатди. Когонлик бу йигит қозоғистонлик Нуржон Усмоновни биринчи раунддаёқ икки марта нокдаунд ҳолатига тушириб, 14:7 ҳисобида ғалабага эришди.

75 килограмм вазнли яна бир вакилимиз — Дилшод Ёрбеков бу мусобақада зарби зўр йигит бўлиб танилди. У мусобақа мобайнида бир неча бор рақибларини накаутли зарба билан доғда қолдирган эди. Афсуски, финалда унга курашиш насиб этмади. Рақиби эрон боксчиси Сафио Мулат рингга кўтарилишдан бош тортди. Шу билан ҳакамлар Дилшоднинг қўлини баланд кўтариб ғўя қолишди. Яна бир боксчимиз бор. Бу билан ҳам фахрлансак арзийди. 91 килограмм вазнли Руслан Чагаев. Унинг ҳар бир учрашувини мухлислар узоқ эслаб юришса керак. Эндигина 19 баҳорни қаршилаган бу йигит келажаги порлоқ спортчилардан саналади. У финалгача мухлисларни қийнамай, ишонч билан етиб келди. Ҳал қилувчи учрашувда эса ҳиндистонлик Сингх Лархани 16:1 ҳисобида доғда қолдирди. Шундай қилиб уч боксчимиз Осиё чемпиони бўлиб, бир йигитимиз кумуш медаль билан қаноатланди.

Шунингдек, таиландлик Самрат Камсинг, эронлик Ризо Муҳаммад ҳам Осиё чемпиони номига сазовор бўлдилар. Қозоқ оғаларимиздан Болот Жумадилов, Бектос Абубакиров, Бахтиёр Телеганов, Болот Ниёзимбетов, Ермахон Ибрагимов, Василий Жировлар олтин медаль соҳиби бўлишди. Умумжамоа ҳисобида Қозоғистон боксчилари биринчи ўринни эгаллаб, биллур совринни қўлга киритишди. Ўзбекистон ва Эрон боксчиларига иккинчи ва учинчи ўринлар берилди. Боксчимиз Дилшод Ёрбеков «Энг яхши боксчи» номига сазовор бўлди. Унга мукофотларни — Биллур соврин билан юртбошимиз сиймоси акс эттирилган гиламни таниқли боксчи Руфат Рисқиев тантанали суръатда тақдим этди.

Мусобақани тантанали ёпилиши ҳам ўзига хос байрамга айланди. Осиё ва жаҳон ҳаваскор боксчилар уюшмасининг президенти Анвар Чаудри ҳамда Осиё бокс чемпионатига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси, республика бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ўтказилган нуфузли мусобақанинг аҳамияти, боксчиларнинг маҳорати хусусида сўзладилар. Шу куни Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт институти олимларининг кенгашига мувофиқ Анвар Чаудрига институтнинг фахрий доктори унвони берилгани эълон қилинди. Кейин олимпиадага йўлланма олган 23 нафар боксчи рингга кўтарилди. Уларнинг ҳар бирига тўн, қийиқча, дўппи кийгизилди. Осиёнинг ман-ман деган зарби зўр йигитлари шу ҳолатда ўзбек ўғлонларига айлангандай бўлдилар. Мусиқа, карнай-сурнай садолари тиниб Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради. Осиё бокс чемпионатининг байроғи оҳиста туширилиб, мусобақага якун ясалди. Мухлислар унутилмас ва бетакрор бу воқеалардан ажиб таассурот олдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

СУРАТЛАРДА: ўзбекистонлик Осиё чемпионлари Наримон Отаев, Дилшод Ёрбеков ва Руслан Чагаев.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ҳаким НАЗИР

ЭЪТИҚОДИМ — ЭЗГУЛИК

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори, болаларнинг севимли дўсти ва маслаҳатгўйи Ҳаким НАЗИР 80 ёшга тўлди.

60 йиллик ижодий изланиш ва самарали меҳнат 50 га яқин китобга жо бўлиб, бугун адибнинг бутун маҳоратини бўйбасти билан намоён этиб турибди. Болалигимизда кўпчилигимиз «Ёнар дарё»дан, «Чўл ҳавоси»дан баҳраманд бўлганмиз, «Лочин қанотлари»ни ўқиб ҳузурланганмиз.

Гўдак кўнглидан жой олмоқ, унинг қувончларию ташвишларини, ўзига хос сирларию қитмирликларини кашф қилмоқ ва бу мураккаб жараёнларнинг бадиий инъикосини топмоқ осон эмас. Ҳаким НАЗИР ана шундай мушкул вазифани шараф билан адо этолган қуюнчак ижодкордир.

Ҳаким Назирнинг рус тилига ўгирилган 24 китоби ва бошқа қардош ва хорижий тилларда чоп этилган 10 дан ортиқ бадиий асарлари отахон ёзувчимизнинг жаҳон болалар адабиётида муносиб мавқеи ва овози борлигини исботлайди.

Ёзувчи ўзининг 80 йиллигини ҳам икки янги китоб — «Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштлари» («Чўлпон» нашриёти) хотира қиссаси ва «Ёдимдасиз, азизларим» («Ёзувчи» ва «Хазина» нашриётлари) эсдаликлари билан кутиб олди. Бу икки асар заҳматкаш ёзувчимизнинг қутлуғ тўйларига қутлуғ тўёнадир.

Отахон ёзувчимизни таҳририятимиз жамоаси ва муштарийларимиз номидан табаррук ёшлари билан қутлаб, ижодларидан намуналар ҳавола қиламиз.

СУРАТДА: Ҳаким Назир оиласи даврасида.

(Кундалик дафтардан)

Аллоҳга шукурлар бўлсинки, энди дилдаги алам-изтиробларни ошкор изҳор этиб, гард-ғуборларни бемалол тўкадиган вақтлар келди.

***

Яхши сўз билан синиқ кўнгилни кўтариш — олтин ҳадя қилишдан афзал.

***

Қоп-қоп пул асрагандан кўра бир ночор бандани очликдан асраб қолишнинг савоби ортиқроқдир.

***

Баракали қўлда пуч ёнғоқ ҳам тўқ бўлиб кетади.

***

Айтинг-айтинг, кўнгил кўзгусини хира босмасин. Хира босса, оламга тўғри қараш, ундаги ажойиботларни ажратиш мушкуллашади.

***

Бахтимизга яхшилар бор. Шулар дунёни кўтариб туради. Шулар бўлмаса-чи, худо кўрсатмасин, олам ағдар-тўнтар бўлиб кетарди.

***

У бўялиб-бежалиб ўз нархини оширишга қанча уринмасин, қилиш-қилмиши нархини тушириб туради.

***

Ташвишсиз ўтган кунимни кун демайман.

***

«Зерикиш» деган сўзни ишёқмаслар учун чиқарган бўлса керак.

***

Исрофгарчилик — хорлик келтиради. Айниқса кучни, вақтни, ақлни беҳуда нарсаларга сарфлаб юборишдан ёмони йўқ.

***

Ҳеч нарса одам қимматини, меҳнатчалик кўтармайди.

***

Виждон деб ўз-ўзидан уялишни айтса кераг-а?

***

Ўзингни ўз кўзинг билан мас, бировнинг кўзи билан яхшироқ кўра оласан.

***

Тирговичга ўрганма.

Тирговичга суялган дарахт қаттиқ шамолда тиргович билан бирга қулайди.

***

Бировга яхшилик қилганда ундан яхшилик қайтишини кутма. Ундан қайтмаса бошқадан қайтади.

***

Иззат сўраб олинмайди. Иззат ўзи келади. Келмасачи, ўз феълингдан кўр.

***

Даражанг қанча кўтарилмасин, вазнингни ер билади.

***

Киши умрбод икки қарздан қутилмайди — бири она олдидаги, иккинчиси ер олдидаги қарздир. Она туғади. Ер боқади. Она-ер дейилиши шундан.

***

Қизларни нозик-ниҳоллигига қараб «заифа» деманг. Вақти келса гиёҳ тошни ёради.

***

Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, камсуқумлик орқасида эришдим. Ва нимагаки эришолмаган бўлсам, бу ҳам камсуқумлик оқибатидир. Айрим дўстларим мени «ёғ ичида яйрамаган буйрак», «ноудда», «ўта тортинчоқ» деб ҳам айблашади. Аммо мен ўзимдаги бу «қусур»ларни йўқотишга ҳаракат қилмаганимдан хафа эмасман...

***

Эътиқодим — эзгулик. Мен эзгуликнинг қудратли илоҳий кучига ишониб, шунга суяниб келдим. Ёмонликни яхшилик орқали тузатиш, гуноҳни савоб орқали ювиш, хатони тавба-тазарру орқали йўқотиш мумкин...

... Ҳаким НАЗИРнинг бошқа ёшларга, ҳатто баъзи бир кекса ёзувчиларга қараганда ёрқинроқ асарлар ёзишига, ёзувчиликда тез суръат билан илгарилашига сабаб... ўз материалини, ўзи тасвир этмоқчи бўлган ҳаётни яхши билишидир.

Абдулла ҚАҲҲОР.

***

Биз Ҳаким НАЗИРни энг кўп ўқиладиган ёзувчиларимиздан деб биламиз. У ўзбек ҳамда кўп миллатли болалар адабиётининг ҳормас тарғиботчисидир.

Сергей МИХАЛКОВ.

***

Ҳаким НАЗИР — устоз ёзувчи. У Ўзбекистонда болалар учун ҳикоя ва қиссалар ёзишни биринчи бўлиб бошлаб берганлардан... Унинг китоблари бир неча авлодларни тарбиялашда ёрдам берди.

Асқад МУХТОР.

БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

(ҳикоя)

Кор гупиллаб ёғарди. Ҳовли, кўчалар, лой томларнинг қамиш бўғотлари-ю, ёғоч тарновларгача ҳаммаёқ қалин оқ пардага қопланди. Ҳар вақтдагидай бу болакайларга катта қувонч келтирганди. Қўрқмаснинг оёқ-қўллари илдамлашди. Болохонадан чанасини олиб тушди. Тозалаб чилвирини бойлади-ю, кўчага чопди. Қўшни болалар билан қорларни ғичирлатиб энди чана учишни бошлаганди. Уларнинг эшигига таниш чўлоқ хат ташувчи келиб қолди. Қўрқмас чанасини шеригига қолдириб, «Ура, хат!» деб чўлоқ ёнига югурди. Чўлоқ совуқ кор қилганидан эски телпак устидан пахмоқ шарфни ўраб бўйнигача чимраб олган, шундоқ бўлсаям кўчаларни изғий-изғий, лаблари кўкариб, мўйлови-ю киприкларини қиров босганди. Қўрқмаснинг «Хат опкелдизми, тоға?» деган чиқиригига, хирилдоқ овозда: «Қичқирма, болам, қулоғим кармас!» деб дакки берди. Елкасига илган от хуржунидай брезент халтасини титаркан, «Ойингни чақир!» деб буюрди. Қўрқмас, «Ойим ишдала. Хатни ўзимга бериб кетаверинг!» деганди, чўлоқ унга ишончсиз бир назар ташлаб: «Йўқ, бу сенга тегишлимас!» деб қўлига илинган қоғозни яна халтага ташлади. Энди Қўрқмас чана учишни хоҳламади. Илҳақ бўлиб ойисини кутди. Ойиси эшикдан кирган заҳоти хурсандлик билан: «Ойи, адамдан хат келди!» деб чиқирди.

— А-а, қани хат? — деди Иқболхон совуқдан кўкариб кетган юзларига қон югуриб, ёшланган кўзлари алангжаланг бўлиб.

Қўрқмас, хат ташувчи билан бўлиб ўтган гапни айтди.

Она-боланинг жовирлашгани ичкари хонада ётган Саломат ая қулоғига чалинган, фронтдан, ёлғизгинасидан навбатдаги дуойи салом келдимиқан деб нақ ичи чиқиб кетганди. Иқбол, хонага қадам босаркан, танча атрофида ётган кампир ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлди-ю, ҳоли келмади.

— Қанақа хат, болам? — деб сўради.

— Хат энди келади, аяжон. Ўзим чиқиб опкеламан, уринманг, тинч ётинг, — деди Иқбол ва аясига укол қилиб, чой ичириб қўйгандан сўнг, шоша-пиша почтага жўнади. Кетидан эргашган ўғлига: «Сен бувингга қараб тур!» — деб уни ўйда қолдирди.

Иқбол почтада қулига теккан ғижим-ғижим конвертни апил-тапил очди. Бир парча қоғоздаги ёзувга қаради-ю, сузук кўзлари бежо тортиб қинидан чиқаёзди, ранг-рўйи қув ўчди. Аъзойи бадани бўшашиб, деворга суяниб қолди. Хатни берган почта ходимаси ҳушёрлик қилиб, Иқболнинг қўлтиғидан тутди-да, ичкарига опкириб ўтқизиб қўйди. Оғирдам беҳуш ҳолда ўтиргач, чўчиб кўзини очди. Яна хатга кўз ташларкан, юрагининг бир парчаси чирт узилгандай бўлди. Ҳўнграб-ҳўнграб, охири ўзини қўлга олишга интилди. Аста-секин судралиб почтадан чиқаркан, ўғлига дуч келди. Ойисининг кўринишидан чўчиб тушган Қўрқмас:

— Нима бўлди, ойижон? — дея унга ёпишди.

— Ҳечқиси йўқ, — деганича Иқбол ўғилчасининг елкасини силаркан, ўзини дадил тутиб уни юпатгулик сўз ахтарарди. — Биласанми, сал бошим айлангандай бўлди.

— Ҳеч бунақа бўлмасдизу, ойижон? — деди ишонмай Қўрқмас. — Нега йигладиз-а?

— Йиғлаганим йўқ, довдирайверма, совуқдан кўзим ёшланган...

— Хатни олдизми? Қани бир кўрай, — деб қолди Қўрқмас.

— Ҳа олдим, — деб ойиси чўнтагидан конвертни олганди. Қўрқмас қўл узатди. Ойиси бермади. — Нима қиласан, бари бир ўқиёлмайсан-ку...

— Нега ўқиёлмас эканман. Биринчи синфдаман-ку!

— Бу ўрисча хат-да, ўғлим.

Иқбол мушкул аҳволга тушди, ўзини тоғдай юк остида қолгандай сеза бошлади. Бу юкни кўтарибгина қолмай, ўғилчаси билан аяжонига қаттиқ қайғуни йўлатмаслик учун руҳий куч тўплашга ўзини чоғламоғи ҳам лозим эди.

Иқболнинг умр бўйи йўли осон кечмаганди. Унда ғадир-будир сўқмоқларга кўп марта дуч келган. Мурғак чоғида ота-онадан етим қолган, болалар уйида тарбияланган эди. То вояга етгунча уни мураббия Саломат ая парвариш қилган, туққан аясидай суянчиқ бўлган. Тақдир тақозоси билан Иқбол ўз жонажон мураббиясига келин бўлиб тушди. Саломат ая уни яккаю-ёлғиз ўғли Ўлмасга олиб бераркан, кичиклигида нобуд бўлган эгизак қизлари ўрнига қизим деб ҳисоблади. Ўз толейию қисматини шу қизда кўргандай, уни Иқболим, Иқболгинам дея ўстирди. Ўқитди. Шифокор қилди. Бир қарашда Иқбол бахтини топгандай эди. Аммо Ўлмас кунчи чиқиб, Иқболнинг бамайлихотир ишлаб юришига тўсқинлик қилиб турар, хизматдан сал кеч қолса жанжал кўтаргучи эди. Ҳатто бир гал Иқболдан даво топган йигит севимли шифокорига туғилган куни совға кўтариб келганда, Ўлмас ўша йигитниям, хотининиям бепарда сўзлар билан ҳақоратлаган, ўшанда аясидан калтак еганди. Эридан не-не жафолар кўрмаган бўлсин, барибир Иқбол уни дилдан севарди. Ўлмаснинг урушга кетишидан онасигинамас, Иқбол ҳам оғир жудолик аламини чекмоқда эди. Қасалманд она ўғли фироқида ёна-ёна охири мия оғригига йўлиққан, кўзи хиралашган, боши ёстиққа етган, тиман...» — дебдила.

— Шукур-е, қатта бўлсаям худо ўз паноҳида сақласин, — дея она хўрсиниб дуо қилди.

Иқбол кўринишидан сир бой бермаса-да, ҳаловатини буткул йўқотган, қалбини бедаво яра муттасил кемириб турарди. Ўқтин-ўтин дил қаъридан уфуриб келган аламли фарёдни тоқати борича ўнсиз ўтказиб юборишга ўзини мажбур этарди. Шифокорлик бурчи, оғир беморлар ҳаётини сақлаб қолишда орттирган тажрибалари унинг сабр бардошини хийла чиниқтиргандди. Бор куч-қувватини эридан қолган тирик хотиралар — онаси билан боласини эҳтиёт сақлашга қаратганди. Ботбот эрининг бир мактубида айтган сўзи эсига тушиб турарди. «Онам билан ўғилчамга яхши қарасангиз — мени ҳурмат қилганингиз бўлади» деган эди. Эрининг бу сўзлари Иқболга васиятдай бўлиб қолганди. Иш билан баробар эрининг руҳини шод этиш учун яна нималар қилсам экан, деган савол уни безовта этиб турарди. Қутилмаганда хат ташувчи қийин саволга жавоб топиб бергандай бўлди. Эсини танигандан буён бўйнидан зил халтаси тушмаган бу ҳожатбарор инсон маҳалла хонадонларидаги сир-синоатдан бохабар бўлиб турарди. Бир куни у кўчада Иқболни учратиб, Ўлмасдан сўз очиб қолди. Айтишича, бир ошнаси фронтда Ўлмас билан ёнма-ён жанг қилган экан, Ўлмаснинг қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлганини ўз мактубида ёзибди. Иқбол дарҳол хат ташувчидан ошнасининг номини, адресини сўраб билиб олди. Ўша аскарга дўстона хат ёзсаммикан деган хоҳишини билдирди.

— Нима деб ёзмоқчисиз, синглим?

Иқбол ўйлаб турди-турди-да, деди:

— Савоблик учун бир илтимосимни бажаришини сўрасам: Ўлмас ака, унинг ҳалок бўлиши ҳақида билганларини бизга тўлароқ ёзса. Иннайкейин, агар қийин бўлмаса, унинг кўмилган жойини билдириб, ғўридан бир сиқим тупроқни юборса... Ошнангизга малол келмасмикин-а, бу илтимосларим?

— Ҳимм, — деди хат ташувчи мулоҳазага берилиб. — Яхши ўйлагансиз. Ошнам савобли ишдан қочмайдиган йигит. Борди-ю, бундай илтимос хатни сизнинг номингиздан мен бита қолсам-чи?

— Яхши бўларди! — Иқболга бу фикр маъқул тушди. Фақат ундан битта нарсани ўтинди. — Бу гаплардан ҳеч ким хабар топмаслиги керак.

Кутиш... Айниқса, куйган бағрини яна ям баттарроқ ўртантирадиган нохушликни кутишдан мушкули йўқ. Иқбол шунақа нарсани кутаётганди. Ҳафталар ойларга улана борди. Қиш изғиринлари кўклам илиқлиги билан алмашинди. Кутганидан дарак йўқ. Шу ўртада у неча марта почтачига учрашди. Хат ташувчи уни «Сабр қилинг, келиб қолар» дея тинчлантириб турди. Сўнгги дафъа учрашганда, хат ташувчи бирон калима сўз айтишга тили бормасдан, Иқболнинг қулига малла мато билан ўроғлиқ муштумдай нарса тутқизди. Иқбол ҳам бу ноёб омонатни сукут ичида қабул этиб, фақат «Раҳмат, раҳмат» дея олди...

Бу воқеа ёз аввали — рамазон кунларига тўғри келганди. Иқболнинг қўнгли, ўйлаган муддаосини шу муборак ойда амалга оширишга ундарди. Муддаосига етиши биргина одам — гурковга боғлиқ бўлиб қолганди. Иқболнинг халтачадаги тупроқни келтириб не андишаю истиҳола ичида қилган ўтинчини гўрков ерда қолдирмади...

Рамазон ҳайитига бир ҳафтача қолганда маҳалла қабристонида Ўлмаснинг отаси ётган қабр ёнбошида янги гумбаз пайдо бўлди...

Арафа куни чолининг қабрини зиёрат қилиш Саломат аянинг азалий удуми эди. Бу сафар эса шу удуми канда бўлди. Кейинги вақтда ая келининг аввалаб парваришлаши туфайли бир қадар дармонга кирган, ёстиқдан бош кўтарган бўлсада, ҳали уйидан қўзғалиши маҳол эди. Кечқурун келини ҳозирлаган арафалик ош-сув танаввулидан сўнг ая Қуръон тиловат қилди. Фотиҳага қўл очилди. Ўқилган Қуръон савобини ўтганлар руҳи-покига бахш этди. Иқболнинг наздида, онаизор дуойи-фотиҳасидан шаҳид кетган ўғли арвоҳи ҳам баҳраманд бўлгандай туюлди...

ОМСК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЎҚУВ МЕТОДИК МАРКАЗИ

қуйидаги факультетларга шартнома асосида 1995 — 96 ўқув йили учун сиртқи бўлимга (Тошкентда ўқитилади) талабаларни **ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

— ҳуқуқшунослик,
— филология,
— тарих,
— иқтисодиёт,
— менежмент,
— тижорат.

Ўқиш — рус тилида, муддати — 5 йил. Ҳужжатлар 20 октябргача қабул қилинади.

Шунингдек, олий маълумоти бўлган ва иккинчи мутахассислик олишни истаган шахслар ҳам ўқишга қабул қилинади.
Абитуриентлар қабули — танлов асосида.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй, 1-қават (ҳовли томондан кирилади).

Йўналиш: **"Ўзбекистон" меҳмонхонасининг рўпараси.**

КЕЛИНГ ВА КЎРИНГ: СИЗГА МАНЗУР БЎЛАДИ!

Ирландия обакилари, Испаниянинг жаҳонга машҳур "Дульсиора" фирмаси желе ва мармеладлари, шунингдек, Англиянинг "Старион" фирмасининг элликдан ортиқ хилдаги парфюмерияси.

Илк бор! Улгуржи ва чакана савдо, ҳисоб-китоб:
нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан, сотиш учун ҳам берилади.

Шошилинг! Ҳаммага ҳам етмайди.

Бизнинг манзил:
Тошкент , Лутфий кўчаси, 94-уй.
Улгуржи савдо — тел. 78-23-44.
Чакана савдо — тел. 78-97-43.

"ҲАЁТ БЎЛГАН ЖОЙДА — УМИД БОР!
"ТИМ" БЎЛГАН ЖОЙДА — ОМАД БОР!"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0436.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи Х. ЭРМАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.